

Da'vat

Samarali ta'lim tizimini yaratmasdan turib jamiyatni isloh etish bo'yicha belgilangan vazifalar ijrosini tasavvur etish qiyin.

Islom KARIMOV

Kuch - bilim va tafakkurda



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan

2004-yil 3-noyabr, chorshanba

№ 89 (7698)

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

YUKSAK MUKOFOT TOPSHIRILDI

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 2 noyabr kuni Oqsaroyda Osiyo taraqqiyot banki (OTB) prezidenti Tadao Chinoni qabul qildi. O'zbekiston bilan OTB hamda boshqa xalqaro moliya institutlari o'rtasidagi hamkorlikni rivojlantirishga qo'shgan ulkan hissasi, iqtisodiy islohotlar dasturini amalga oshirishga va mintaqaviy hamkorlikni mustahkamlashga yaqindan ko'maklashayotgani uchun OTB prezidenti Tadao Chino O'zbekiston Prezidentining Farmoniga ko'ra Vatanimizning «Buyuk xizmatlari uchun» ordeni bilan taqdirlandi. Uchrashuvda Islom Karimov mehmonga ana shu yuksak mukofotni topshirdi. Oqsaroydagi muloqot chog'ida O'zbekiston va OTB hamkorligini yanada kengaytirishga oid masalalar atroflicha muhokama qilindi.

OQSAROYDA QABUL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 1 noyabr kuni Oqsaroyda Yevropada xavfsizlik va hamkorlik tashkiloti (YXHT) amaldagi raisining Markaziy Osiyo bo'yicha shaxsiy vakili Martti Axtisaarini qabul qildi. Uchrashuvda hamkorlikning bugungi ahvoli tahlil etilib, kelgusida uni har tomonlama rivojlantirishga doir masalalar yuzasidan fikr almashildi.

QAROR

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Kengashining "Ikkinchi chaqiriq O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining o'n oltinchi sessiyasini chaqirish to'g'risida"gi qarori e'lon qilindi. Unga ko'ra Ikkinchi chaqiriq O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining o'n oltinchi sessiyasi 2004 yil 2 dekabr kuni Toshkent shahrida chaqiriladi.

(Davomi 2-betda)

Ibrat

Armrestling bo'yicha Osiyo va Yevropa chempioni Mirzohid Sharopov Navoiy shahridagi «Turnaxon» bolalar bog'chasi qoshida nogiron bolalarni jismoniy mashqlar yordamida davolash markazini tashkil etdi. Malakali mutaxassislar falajga yo'liqqan o'n nafar bolakayni ikki oy davomida davolab oyoqqa turg'azdi.



Суратдаги кизнинг кўзларида ишонч, қатъиятлик ифодаси сезилиб турибди. Бу ўз-ўзидан пайдо бўлмаган албатта. Оилада ота-онасининг, мактабда устозларининг унинг келажагига умид билан қарашлари унда мен ҳам улар учун нимадир қила оламан, деган ишонч уйғотган. Қизалокдаги ана шу туйғу уни ҳаракатга чорлаб, эртанги куннинг қахрамонига айлантурса не ажаб.

ГАЗЕТАНИ БАРАҚЛАГАНДА:

ЎЗ-ЎЗИНГНИ
АЛДАМА, ЭЛИМ

3-бет

ВОДИЙДА ЎТГАН
«МАТБУОТ КУНЛАРИ»
НИМА БЕРДИ?

5-бет

ЮРАКДАГИ ВАТАН
СУРАТИ

6-бет

УМУММИЛЛИЙ
ДАСТУР:
ДАСТЛАБКИ САРҲИСОБ,
ХУЛОСАЛАР ВА ВАЗИФАЛАР

7-бет

МАКТАБДАН ҚОЧИБ
КЕТГАН КЕЛИНЛАР

14, 15, 16 ёшда...

8-9-бет

ШОИР, БАСТАКОР
ВА МУСАВВИР

11-бет

ЭТНОЛОГИЯ ТАРИХНИ
БИЛИШ ДЕМАҚДИР

12-бет

АБДУЛЛАГА
ЎН МИНГ ДОЛЛАР

15-бет

SO'NGGI
UCH KUN
MUJDALARI(Davomi. Boshi 1-betda)
NOMZODLAR
KO'RSATILDI

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining navbatdagi qurultoyi bo'lib o'tdi. Qoraqalpog'iston Respublikasi, Toshkent shahri va viloyatlardan 230 nafar delegat ishtirok etgan Qurultoyda partiya markaziy kengashi a'zolarining yangi tarkibi saylandi va Saylovoldi harakati dasturi tasdiqlandi. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasiga 26 dekabrda bo'ljak saylovda ishtirok etish uchun deputatlikka nomzodlar ko'rsatildi.

O'zbekiston «Adolat» sosial-demokratik partiyasining qurultoyida partiyasining Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar tashkilotlaridan saylangan 170 nafarga yaqin delegat qatnashdi. Qurultoyda partiyaning Saylovoldi dasturi tasdiqlandi, Oliy Majlisning Qonunchilik palatasi deputatligiga nomzodlar ko'rsatildi.

UCHRASHUV

O'zbekiston Respublikasi Markaziy saylov komissiyasi raisi Bo'ritosh Mustafoyev 1 noyabr kuni Yevropada Xavfsizlik va hamkorlik tashkiloti /YXHT/ amaldagi raisining shaxsiy vakili Martti Ahtisaari rahbarligidagi YXHT delegatsiyasi a'zolari bilan uchrashdi. Shuningdek, delegatsiya O'zbekiston Respublikasi tashqi ishlar vaziri Sodiq Safoyev bilan ham uchrashdi.

Respublikamizda sport davlat siyosati dаражасига кўтарилган. Юртимизда бу соҳада етарли ишлар қилинмоқда. Айниқса, ёшларнинг спортга жалб қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда мамлакатимизда умумтаълим мактабларининг ўқувчиларидан олий ўқув юрталари талабаларига бўлган ўғил-қизларни қамраб олган уч босқичли узлуксиз спорт тизими йўлга қўйилган. Маҳалла, туман, қишлоқ ва шаҳарларда болаларни спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замонавий талабларга жавоб берадиган кўплаб

- 2004» республика кўргазмаси ташкил қилинди. Кўргазма «Ўзэкспомарказ»нинг биринчи кўргазмалар залида бўлиб ўтмоқда.

Республика кўргазмасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Шавкат Қурбонов, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Туробжон Жўраев, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Абдулла Очиловлар иштирок этди.

Маросимни Ўзбекистон Республикаси

СПОРТ АНЖОМЛАРИ
КЎРГАЗМАСИ

спорт мажмуалари қурилмоқда. Барпо этилаётган спорт иншоотларини мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрталарининг спорт залларини зарур анжомлар билан жиҳозлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Спортчиларимизнинг жаҳон ареналарида чиқиши учун алоҳида тайёргарлик кўриш лозим. Бунга эса шарт-шароит яратиб берилиши керак. Айниқса, бу жараёнда уларга спорт анжомлари жуда керак бўлади.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирилик ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирилик, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт вазирилик, Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпиада қўмитаси ҳамкорлигида ва Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзэкспомарказ», «Ўзбекистон ПТЕ» ҳомийлигида «Ўзбекистон спорт саноати — болаларга

Бош вазирининг ўринбосари — Олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов кириш сўзи билан очиб, кўргазмада иштирок этаётган барча иштирокчиларни табриқлади.

Шундан сўнг йиғилганлар кўргазмага қўйилган спорт анжомларини кўздан кечирдилар. Бир сўз билан айтганда республикамизнинг барча ҳудудларидан қатнашаётган тадбиркорлар «Ўзбекистон спорт саноати - болаларга-2004» кўргазмасида ўттизга яқин маҳаллий ва қўшма корхонада ишлаб чиқарилган спорт маҳсулотларини намойиш қилмоқдалар.

Тадбир давомида кимдир ишлаб чиқарувчилар билан шартномалар тузди, кимдир ўз ҳамкорларини топди...

Юз марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши дейишади. Кўргазма 4 ноябр-гача давом этади.

Шерзод АХМАТОВ

Tadbir

БЕШ ЙЎНАЛИШ
ФОЛИБЛАРИ

Ўзбек қизлари наинки латофати, ҳаё-ибоси, гўзаллиги билан, балки иқтидоридан ҳам устунлигини намойиш эта оладилар. Бунга биз Собир Раҳимов туман ҳокимлиги ва ХТБ ташаббуси билан ЎзМУ маданият саройида ўтказилган «Зулфияноним қизлари» кўрик-танловида яна бир бор амин бўлдик.

Бу кўрик-танловда Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлари қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маҳмудова, ЎзМУ хотин-қизлар кенгаши раиси Лаълихон Муҳаммаджонова, ТДТУ хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳаётхон Мақсудова, «Камолот» ЁИХ туман кенгаши раиси М.Ёқубов, туман ҳокимияти маданият бошқармаси бошлиғи Баҳодир Аҳмедов, Чустий маҳалласи фаоли Санобар Шо-

диевалар ҳайъат аъзоси сифатида қатнашиб, 20 нафар қизни 5 йўналиш бўйича синовдан ўтказдилар.

— Кўрик-танловда қатнашган қизлар ўзларининг истеъдод ва иқтидорларини яна бир бор намойиш эта билдилар, — дейди Собир Раҳимов ХТБ мудир муровини Маъмура Ёрмухаммедова. — Айниқса, фан йўналиши бўйича иштирок этган Ольга Катереничнинг илмий мақолалари, тадқиқотлари бизга манзур бўлди. Таълим йўналишида эса 243-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дилобар Музажоновна, санъат, адабиёт йўналишларида тиббиёт коллежи ўқувчилари Насира Қаюмова, Мухлиса Зокирова, маданият йўналишида эса Шарқшунослик лицейи талабаси Ширин Қосимовалар 1-ўринни олиб, шаҳар босқичида қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар.

Кўрик-танлов қатнашчиларининг саҳнада кўрсатилган «Танишув» шarti, ижодкорлиги, ўзлари ёзган бадий ижод намуналаридан ифодали ўқиб беришлари барчада кўтаринки кайфият уйғотди.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи



Ёввойи одам ҳақидаги фильмни кўрганмисиз? Инсон боласи табиат кўйнига, жонзотлар орасига тушиб қолгани учун улардек товуш чиқаради, гапира олмайди. Мутахассисларнинг фикрича, гўдак улғая бораркан, биринчи навбатда, атрофдагиларнинг мулоқотлари орқали ўз нутқини шакллантира бошлайди. Кичкинтойларнинг нутқлари равон, талаффузлари аниқ бўлишларида боғча опаларининг олиб бораётган машғулотлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Суратда: Тошкент шаҳри, А.Икромов туманидаги 450-«Севинч» номли мактаб-боғча мажмуаси тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Гулнора Йўлдошева олиб бораётган ушбу машғулотда болалар суратда акс этган манзараларни баён қилиб беришлари лозим. Бу машғулотлар кичкинтойларнинг нутқини ривожлантириш билан бирга ҳаёлотини бойитади.

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ҲАММАНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Нуробод туманининг чекка қишлоқларидан бири — Сарикўлда барча шарт-шароитларга эга бўлган, замонавий услубда жиҳозланган янги коллеж биноси фойдаланишга топширилди. 8 та йўналиш бўйича мутахассис тайёрловчи мазкур коллеж қурилиши аҳоли учун бир неча қулайликларни яратиб берди. Эндиликда жонажон мактаб билан хайрлашган ўқувчилар, шаҳар марказига қийналиб бориб юрмасдан ўз қишлоғида, ота-онаси кучоғида касб ўрганиб, ўқишни давом эттириш имкониятига эга бўлишди.

Раимкул СУЯРОВ,
ЎзМУ талабаси

ПЕДАГОГ — РАССОМ
КЎРГАЗМАСИ

Термиз туманидаги 9-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Холбой Ҳасанов нафақат тажрибали педагог, балки моҳир рассом ҳамдир. «Тасвирий фаолият», «Тасвирий санъат ва уни ўқитиш услубияти» каби бир қанча методик қўлланмалар муаллифи. Маҳаллий нашрларда илмий методик ва муаммоли мақолалари билан фаол қатнашиб келади.

Мактабда тасвирий санъат ва чизмачилик фанларидан сабоқ бериш билан бирга «Ёш рассомлар» тўғарагига раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Адиб Собир Термизий номли вилоят мукофоти соvrиндори, мамлакатимиз ва хорижий элларда уюштирилган бир қанча тасвирий санъат кўргазмаларининг қатнашчиси.

Зарабоғ қишлоғида вояга етган истеъдод эгасининг ижоди-

дан, асосан Сурхон воҳаси табиати, тарихи, кишиларининг содда чехралари ўрин олган.

«Кўҳна ва бугунги Термиз», «Чегарадаги оқшом», «Учқизил тонги», «Зарабоғ баҳори», «Ёмғирдан сўнг», «Сурхон гўзали», «Шаҳло», «Автопортрет», «Натюрморт» каби картиналарни кўриб бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Термиз шаҳридаги Истиклол майдонида жайлашган кўргазмалар залида намойиш этилган 40 дан ортиқ асарлари билан танишганлар рассомнинг ижодига юкори баҳо бердилар.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Ё.Тошмуродов, таниқли мўйқалам соҳиббети Т.Ўроқовлар Х.Ҳасановнинг вилоятимиздаги истеъдодли рассомлардан эканлигини таъкидлашди.

Н.ТўРАЕВ

ЎЗ-ЎЗИНГНИ АЛДАМА, ЭЛИМ

Ўзбекининг ўзиники ўзига бу-
юраётганидан ифтихор этасан
киши. Йилларнинг суронларида
гоҳ унинг, гоҳ бунинг оғзига
қараб, ортидан эргашиб бору
йўғини ўзгаларга узатиб бири
икки бўлмаган эл мустақиллик-
нинг ҳақиқий неъматларидан
бахра олаётир. Ватанимизнинг
ҳар қадамида бу руҳни ҳис этиш
мумкин. Ана шу юрт янада гул-
лаб-яшнаши, халқимиз турмуш
тарзининг бугунгидан-да гўзал-
роқ, фаровонроқ бўлиши, юрак-
лардаги орзуларнинг рўёби учун
эса доно фикрлар, тафаккур ва
ақлу идрок, билим ва салоҳият,
фидоийлик ва журъату жасорат
майдонга чиқмоғи керак. Тилла-
римиз куйсада айтайлик, лаган-
бардор, буйруқбоз, ўзининг со-
ясидан-да кўрқиб, қатикни ҳам
пуфлаб ичадиган, эшигидан на-
рини кўрмай ўз қобигига ўзи
ўралиб яшайдиган "ҳаммага бир-
дек" кимсалар элнинг қорига
яраши қийин. Афсуски, кўп ҳол-
ларда "улоқ" ана шундайларнинг
қўлига тушиб қолади. Бунга ким
айбдор?! Лоқайдлик, бефарқлик
каби ўз-ўзимизни кемирувчи ил-
латлар эмасми ишончли сўнди-
рувчи, умиднинг илдизига болта
урувчи!

Сайлов жараёни хусусида
ўйлаганимда шу каби мулоҳаза-
лар дилимни хижил қилаверади.
"Номзодлар сайловдан олдин
сайланиб бўлган", "Ким кўп овоз
олиши аниқ" каби шивир-шивир-
лар руҳиятимни азоблайверади.
Йўқ бу каби иғволарга ўз сўзинг,
ўз эътиқодинг билан қарши тур,
элим! Ахир ҳар бир инсон — бир
шарҳ. Унинг ўз фикрат олами
бор. Ана шу туйғуга суяниб яша!
Ўз овозингни — ҳуқуқингни ўзинг
ҳимоя қил! Ким ва нима учун
сайланаяпти?! У нималарга
қодир? Юрти, эли тақдири учун
қайгуришга, тинглашга, сўз ай-
тиб, ақл кўзгуси билан мушоҳа-
да юритишга кучи етадими
унинг?

Шу ўринда сайлов жараёни-

ни уйғоқ, фаол бир руҳда ўтка-
зишга масъуллик юқини елкаси-
га олган ташвиқотчию, дахлдор-
ларнинг юракдан ёндашиши ло-
зим бўлган қарзу фарзлик амал-
лари кўп назаримда. Унутмай-
ликки, ҳар куни газета, журнал
варақлаб сиёсат олами мужда-
ларидан воқиф бўлиб яшаётган
кишининг ҳам, матбуот нашрла-
ри гоҳида ҳафталаб кечикиб бо-
радиган узок қишлоқ ва овул-
ларда яшаётганларнинг ҳам ўз
овози бор. Ҳаётини ҳақиқатдан
кўз юмиш қийин: юртимизнинг
қайсидир нуқталарида ҳуқуқий
маданият тушунчаси ялтироқ
иборалардангина иборат бўлиб
қолаётгани рост. Не
ажабки, бугунги тарғибот ва таш-
виқотлар жараёни ана шу
бўшлиқларни ҳам тўлдирдишга
туртки бўлса. Бунинг учун ҳам
сенинг қарашларингдаги чанқоқ-
лик зарур, замондошим. Сизу
бизнинг кўпчилигимиз балки бо-
зордан қайта туриб нафақат оила
аъзоларининг, балки, қўни-
қўннисининг ҳам овоз бериш ва-
рақаларини сайлов қутисига бир
йўла ташлаб келган оталарнинг
болаларидирмиз. Бундайин
ҳолатлар хотирларимизда муҳр-
ланиб қолган бўлса кўз юммоқ
на даркор. Лекин бизнинг фар-
зандларимиз бу каби қусурла-
римизни ёд этмасинлар. Ҳақ
сўзимиз, адолатли қароримиз,
ўткир мулоҳазаларимиз, тафак-
куримиздаги ёруғ нур уларнинг
ҳам йўлларини ёритсин.

Ҳурматли номзодлар! Шундай
улуғ, кутлуғ майдонга тушганин-
гиз муборак бўлсин! Элининг
дарди деб ўз ҳузур-ҳаловатидан
кечишни удалай олганлар ту-

шади бу майдонга. Кечаги кун-
нинг армонлари, бугунги куннинг
орзуларининг рўёбига йўллар
қидира оладиган дадил имкон-
лар тушади бу майдонга! Бу май-
доннинг талаблари оғирдан оғир,
юқларини кўтариб билмоқлик эса
ҳар ким ҳам муяссар бўла ол-
майди саодатдир. Элнинг
кўзи бу майдон, юртнинг юзи бу
майдон! Элнинг кўзига тик боқа
олмоққа, юртнинг юзини ёруғ
қилмоққа муносиблар майдони
бу майдон. Ўзингиздаги хомлик-
ни, гўрликни англабда қобиллик-

Saylov va saylovchi

ларни, қодирликларни четга су-
риш учун чиранганларингизни бу
майдон кечирмайди. Вақти ке-
либ сўроқлари, сиртмоқлари
бўлар бу майдоннинг!


Эсимда, бир йилги сайлов ма-
ҳали фалон фан кандидатининг
кўнгли исму шарифи остига халқ
ноибни деган номнинг ҳам бити-
лишини тусаб қолди. Қўли узун.
Ҳа, деса ёлғону ростга гувоҳлик-
ка ҳозирлар топилади. Шу тах-
лит уйма-уй юришлар бошлан-
ди. Таниган танимаган бемор-
лар йўқланди. Ойда йилда қадам
босмагани қабристонлар атро-
фига дарахтлар ҳам ўтказилди.
Йиғиб-терганини сочгандан соч-
ди. Марра ҳам эгалланди. Дом-
ла неча ойлардир йиғинларда
керилиб ўтирди. Қаерга қоғоз
жўнатса "депутат" деган муҳри-
ни ҳеч унутмади. Лекин сайлов-
чиларини, уларнинг дардини эс-
лашни ҳеч истамасди. Ўша муҳр
ўзининг қайсидир ишларини бит-
казиб олишига қалқон бўлиб хиз-

мат қилди холос. Лекин элнинг
маломати ёмон. Бу маломат ўз-
ўздан домлани даврлардан
елка қисиб чиқиб кетадиган
қилиб қўйди. Толиби илмлари-
дан ҳам ўзини депутат эканли-
гини жон жаҳди билан яшириш-
га урингани сари гоҳи яширин,
гоҳи ошқора сўровлар уни то-
лиқтириб ташлади. Ҳайҳотки унга
берилган имконлар, вақт, ишонч
элга ҳеч нарса бермади!

— Фалон сиёсий партиянинг
сайловда иштирок этиш ҳуқуқини
қўлга киритиши учун имзо йиғи-
шаётган экан, сиз ҳам имзо
қўйинг, — дея қўлимга қоғоз
узатишди. Рад этдим. Ахир у
партиянинг фаолияти билан
таниш бўлмасам, бирор вақти
келиб жамоамиз фикри билан
қизиқмаган бўлса, дедим гаши-
к билан. Баъзиларга ёқмади
— дейди бир муаллима жигибий-
рон бўлиб. Қачонгача бу каби
жараёнларга кўр-кўрона ёндаша-
верамиз?! Унинг кўнглидаги бу
исённи шифобахш малҳамдек
кўзларга суртмоқ керак назарим-
да. Бу оташ устоз ундовлари ор-
қали юзлаб илму толибларнинг
шуурларини ёритади. Машъала-
га айланади бу тугёнлар ҳали.
Ва биз суянадиган эркин, мус-
тақил фикрларни дунёга келти-
раверади.

— Сиёсий партияларнинг
кўплиги албатта яхши. Номзод-
ларини чиғирикдан ўтказиб-ўтқа-
зиб, саралаб-саралаб сўнгра эл-
нинг сайловига ҳавола этсалар
унданга яхши! Сайлов жараёни
партияларнинг халқ билан яқин-
лашиши учун бир зарурият эши-
гини очди. Бу зарурият мустақ-
кам ришталарга айланиб, ўрта-

Сайловга
53 кун қолди



даги кўз илғамас пардалар олиб
ташланса шарофатли қадамлар
ташланган бўларди. Сиёсий
партияларнинг ўз ўрни, мавке-
ларини мустақамлашлари йўли-
да катта имконлар яратаётир
сайлов таррадулари. Дастури-
рингизни яна бир варақланг: қай-
тариқлар, гаши келтирувчи так-
рор бандлар номигагина зикр
этилиб қолнимадимикан? Давра-
ларни кенгроқ олинг.

Яна ўзингга юпинаман онажон
халқим, меҳнатингни қадрлай-
диган, иззатингни ўринлатади-
ган, бир сўз билан айтганда,
кимлигингни янада теранроқ ан-
глатадиган ақли донишларингни
танлаб сайла! Шундай шахслар
учун овоз бергинки, у эртага
адолатли, ҳаётини қонунларнинг
битикларига ҳикматомуз бандлар
қирита олсин. Сен бўлиб яша-
син! Бефарқликдан қоч. Лоқайд
бўлиб, четда туриб ўз-ўзингни
алдама элим!

Ойбуви ОЧИЛОВА,
журналист

Муаллим ҳамиша ил-
ор ғоялар тарғиботчиси
бўлиб келган ва шундай
бўлиб қолади. Сиёсий
фаолликка ундаш, яъни
халқимизнинг республи-
ка Олий Мажлиси Қонун-
чилик палатаси ҳамда
маҳаллий вакиллик
органларига сайловларда
уйғоқ нигоҳ билан ишти-
рок этишига кўмакла-
шишдек масъулликда ҳам
ўқитувчининг ўз ўрни
бўлиши табиий. Бунинг
учун, аввало, муаллим-
нинг ўзи мукамал ту-
шунчага эга бўлмоғи
жоиз.

Мазкур мулоқотимиз
жараёнида ўқитувчилик-
дек заҳматли касб соҳиб-
ларининг шу муваффақи-
ятга ҳам эриша олаётган-
ларини ҳис этиб қувон-
дик.

Лутфия Сатторова,
Навоий вилоят педа-
гогларни қайта тайёр-
лаш ва малакасини
ошириш институти иж-
тимоий фанлар ва маъ-
навият асослари ка-
федраси мудири:

— Бу йил ўтган йил-
лардагидан фарқли ўла-
роқ, халқаро меъёр ва ан-
дозларга тўла мувофиқ
ҳолда демократик асос-
да икки палатали парла-
мент сайлови ўтказилади.
Шуни алоҳида таъкидлаш
жоизки, она Ўзбекистони-
мизнинг демократияга юз
тугганини бутун жаҳон
тан олмоқда. Ана шу
гурурни, аввало, ўқитув-
чиларимизнинг дунёқа-

МУАЛЛИМ ФИКРИ

у оилавий қарашларга ҳам таъсир этади

рашларига тўлиғича ет-
казиш, улар орқали ўқув-
чилар, халқимизнинг онгу
шуурига сингдира бориш
мақсадида институтимиз-
да талай ишлар олиб бо-
рилмоқда. Барча курс-
ларда сайловнинг моҳи-
яти, халқимизнинг бу
сиёсий жараёнга табиий
равишда онгли иштирок
этишига кўмаклашиш бо-
расида давра суҳбатла-
ри, учрашувлар ўтказил-
моқда. Чунки мактабда
устозлик юқини кўтариб
юрган муаллим айна пай-
тда маҳалла-қўйнинг
эҳтиромига муяссар
бўлган шахс. Эл унинг га-
пини тинглайди, керак
бўлса эргашади. Шу нуқ-
таи назардан ҳам у
аҳолининг тўқнаш кели-
ши мумкин бўлган ҳар
бир саволига тайёр
бўлиб туриши керак.

Насиба Сувонова,
Навоий шаҳридаги 12-
мактаб ўқитувчиси:

— Сайловчиларимиз
сайлашдек масъулиятли
бурчга, айна вақтда
ҳуқуқларни адо этишга
тўла маънода тайёрми?

— деган савол мени бе-
зовта қилади. Англамоқ
керакки, сайловнинг мо-
ҳияти ғоят муҳим ва дол-
зарб масалаларни ўз ичи-
га олади. Айниқса, бугун-
ги сайловчи буни чуқур
идрок қилмоғи керак.
Сайловга бефарқ қараш-
ни, жамиятга лоқайд му-
носабатда бўлиш, ҳаётдан
ортда қолиш дея изоҳла-
сак, хато бўлмас. Бундай
ҳолатнинг олдини олиш
учун нафақат мактаблар,
балки барча ташкилот ва
корхоналарда жиддий иш
олиб бориш керак. Шун-
дай таклифни ўртага та-
шламоқчи эдим: сиёсий
партиялар ўз фаолиятла-
рини халқ билан янада
яқинлаштириши лозим. Бу
эса номзодлар билан уч-
рашувлар, жонли муло-
қотлар тарзида ўтказиш-
да кўринади.

Фароғат Ҳамроева,
Навоий шаҳридаги 16-
мактаб ўқитувчиси:

— Номзодларнинг дас-
турларида бир хил мақ-
сад, яъни жамиятимизни
янада юксалтириш, халқ-
имиз ҳаёти, фаровонлиги

яхшиланишига кўмакла-
шишдек эзгу ниятлар му-
жассам бўлиши, шубҳа-
сиз. Лекин маълум маъ-
нода ҳар бир дастурнинг
бошқаларниқидан фарқ
қиладиган асосий жиҳат-
лари бўлмоғи керак. Аф-
суски, кўп ҳолатларда
хурматли номзодлари-
мизнинг дастурларида
бир хиллик сезилади.
Ҳаётни, жамиятни, муам-
моларни англаб, унинг
ечимларини идрок этиб,
сўнгра масалани кўнда-
ланг қўйишдек фазилат
ҳамиша сайловчини
қизиқтиради, номзодга
ишончини ортттиради.
Сиёсий партиялар қанча-
лик сайловчиларга яқин-
лашса, сайловчининг
кимни ва нима учун сай-
лашини англашига
кўпроқ ёрдам берган
бўлади. Ўқитувчининг бу
ўриндаги роли ҳақида
тўхталадиган бўлсак, у
ҳам ўқувчиси, у орқали
унинг оила аъзолари
ҳуқуқий маданиятининг
юксалишига ҳам таъсир
эта олиши мумкин. Чун-
ки мактабда айтилган
гап, айниқса, у долзарб
мавзуда етказиб айтил-
ган фикр бўлса, албатта,
оила даврасида тилга
олинади. Шу тариқа му-
аллим ўзи сезиб-сезмай
оилавий қарашларга ҳам
дахлдор бўлиб боради.

Мулоқотни
муҳбиримиз
уюштирди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Универси-
тети хотин-қизлар кўмитаси "Икки палатали парламент шак-
лланишида аёлларнинг ўрни" мавзусида учрашув уюштирди.
Учрашувда марказий сайлов комиссияси раиси ўринбоса-
ри, Сайёра Ходжаева ва конституциявий ҳуқуқ кафедраси
мудири, ҳуқуқ фанлари доктори, профессор, Олий Мажлис
депутати Шухрат Жалилов, университетдаги факультетлар-
нинг шунингдек Собир Раҳимов туманидаги 58 та маҳалла
хотин-қизлар кўмитаси раислари ва корхона раҳбар аёлла-
ри иштирок этишди. Тадбирни университет хотин-қизлар
кўмитаси раиси Лаълихон Муҳаммадҷонова очиб берди.

Ҳозирда олдимизда турган икки палатали парламентга
ва сиёсатга аёлларнинг аралашishi мумкинми, уларнинг
ўрни қай даражада? Нега юқори мансаб эгалари орасида
хотин-қизларни кам учратамиз? Тарихда яшаб ўтган Қур-
бонжон Додхоҳ ёки Бибиҳонимни оладиган бўлсак, улар
давлат сиёсатини бошқара олган-ку.

ПАРЛАМЕНТДА АЁЛЛАР КЎПАЯДИМИ?

Ривожланган мамлакатлар қаторига ва икки палатали пар-
ламентга ўтаётган бир паллада барчамиз Конституцияни
яхши билишимиз керак. Ҳозирда халқнинг 30 фоизигина
Конституцияни билади холос, бу албатта салбий натижа.
17-аср олимлари Конституциясини билмаган халқ кул бўлиб
қолади, деб айтишган экан. Дунё давлатлари бўйича БМТ
ҳар бир парламентда 30 фоиз аёллар бўлсин деган, квота
қўйган. БМТнинг бу квотаси қонунимизнинг 22-моддасига
киритилди. Ҳозирги кунда вилоятдаги раҳбар аёллар ўрни
13 фоиз, парламентда эса 8 фоизни ташкил этмоқда. Шух-
рат Жалиловнинг фикрича, аёлларнинг жамият ва давлат
ижтимоий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш мақса-
дида давлат бошқарувида ва парламент фаолиятидаги иш-
тироки масаласини янада чуқур ўрганиш лозим. "Ўзбекис-
тон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги
қонунга янги қоида, яъни депутатликка номзодларни қўйишда
аёлларга нисбатан 30 фоизлик квотанинг белгиланиши шу
йўналишда қўйилган муҳим бир қадамдир. Парламентда аёл-
лар қанчалик кўп бўлса, жамият янада яхшиланади.

Зевара АҲМЕДОВА,
ЎЗМУ талабаси

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги "Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисида"ги 157-сонли қарори асосида иқтидорли, қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, улардаги ноёб фазилатларни янада ривожлантириш мақсадида бир неча йиллардан бери ўқувчи-ёшлар ўртасида умумтаълим фанлари бўйича олимпиада ўтказилиб келинмоқда. 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида ҳам иқтидорли ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ўқишга бўлган интилишларини ҳар томонлама рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, ҳукуматимиз қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда ўтказилган олимпиадаларга ўзгача ёндашилмоқда.

Ўтган йилги олимпиададан бу йилги фан олимпиадалари тубдан фарқ қилади. 2004-2005 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган фан олимпиадаларининг янги тахрирдаги Низоми Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланиб, Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест марказининг қўшма буйруғи билан тасдиқланганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мазкур Низом асосида 2004-2005 ўқув йилида фан олимпиадалари умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилади. Олимпиаданинг биринчи (мактаб) bosqichining ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилиб, Халқ таълими вазирлиги ва Республика Таълим марказининг "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида умумтаълим фанлари бўйича ўтказилган олимпиадаларнинг биринчи (мактаб), иккинчи (туман, шаҳар) bosqichlarini қандай ўтказиш ҳақидаги методик тавсиялари ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди ҳамда "Маърифат" газетасининг 2004 йил 9,13 октябрь, "Учитель Узбекистана" газетасининг 2004 йил 15 октябрь сонларида эълон қилинди ва жойларга етказилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, олдинги йилларда ўтказилган фан олимпиадаларининг қуйи bosqichlarida қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Аксарият мактабларда олимпиада ўтказилмай ёки юзаки ўтказилиб, ўқувчиларга тўғридан-тўғри туман bosqichiga йўлланма берилган.

2004-2005 ўқув йилида бу каби камчиликларга чек қўйиш мақсадида Республика таълим марказининг бир гуруҳ ходимлари барча вилоятларда хизмат сафарида бўлиб, улар томонидан умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича ўтказилган олимпиадаларнинг биринчи (мактаб) bosqichini ўтказишга тайёргарлик ва шу ҳақда "Маърифат" ва "Учитель Узбекистана" газеталарида чоп этилган фан олимпиадаларининг мактаб ва туман bosqichini ўтказилиши бўйича методик тавсияларнинг таълим муассасаларига етказилганлиги ва бу борада қилинаётган ишлар атрофлича ўрганиб чиқилди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда, Халқ таълими бўлими мудири ўринбосарлари, методика кабинети

ҳозирлик кўрилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан олимпиадани ўтказиш бўйича махсус буйруқлар қабул қилиниб, шу асосида ишлар ташкил қилинмоқда.

Айни пайтда, фан олимпиадаларининг I bosqichiga тайёргарлик ишларига масъул бўлган ходимларнинг эътиборсизлиги оқибатида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Тошкент, Наманган, Қашқадарё, Андижон, Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах, Бухоро вилоятларида бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, Тошкент вилояти Олмалик шаҳри методика кабинети ва шаҳар тасарруфидаги 16, 18, 5-мактабларнинг ҳаммасида тест ва амалий топшириқлар, ўқувчилар учун мухр-

топшириқлар, олимпиада иловалари (буйрутма, ҳисобот, қарорлар) тайёрланмаган. Мактабларда ўтган ўқув йилларида ўтказилган фан олимпиадаларининг солиштирма таҳлиллари тайёрланмаган.

Сурхондарё вилоятидаги Бойсун, Саросиё туманларида буйруқлар тайёрланган, лекин тадбирлар, олимпиада жадвали, ҳакамлар ҳайъати таркиби ҳамда олимпиада материаллари умуман тайёрланмаган. Бойсун туманидаги 2-мактабда биринчи (мактаб) bosqichiga тайёргарлик ишлари талаб даражасида эмаслиги аниқланди.

Сирдарё вилояти Мирзабод туманидаги 16-мактабда биринчи (мактаб) bosqich oлимпиадасига умуман тайёргарлик кўрилмаган. Ховос туманидаги 22-мактабда тест ва амалий топшириқлар тайёрланмаган. Сирдарё вилоятида вазирлик рух-

Dolzarb mavzu

таъминланмаган.

Кўриниб турибдики жойларда фан олимпиадаларининг қуйи bosqichini муносиб тарзда ўтказишга кўнгилдагидек ёндошилмаган. Зеро, фан олимпиадаларининг барча bosqichlarini юқори савияда уюшқоқлик билан ташкил этиш ва ўтказиш таълим ходимларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш бўйича Республика таълим марказининг масъул ходимлари томонидан амалий ёрдам кўрсатилди ва чора-тадбирлар белгиланди.

Жойлардаги фан олимпиадаларини ўтказишга тайёргарлик кўришда эътиборсизликка йўл қўйганликлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот, Канликўл, Тахтақўпир туманлари ва Тахياتош шаҳар халқ таълими бўлими метод кабинети мудирига, Андижон вилояти Олтинкўл тумани ва Андижон шаҳар халқ таълими бўлими метод кабинети мудирига, Қашқадарё вилояти Чирокчи, Нишон, Муборак туманлари ва Қарши шаҳар халқ таълими бўлими метод кабинети мудирига, Қарши шаҳридаги 4,11-мактабларлар ва Косон туманидаги 2-мактабнинг ўқув тарбиявий ишлари бўйича директор ўринбосарларига, Наманган вилояти Мингбулок, Учқўрғон туманлари ва Наманган шаҳар халқ таълими бўлими методика кабинети мудирига, Сурхондарё вилояти Бойсун тумани халқ таълими бўлими методика кабинети мудирига, Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 22-, Мирзабод туманидаги 16-мактаб директорларига, Тошкент вилояти Олмалик шаҳар халқ таълими бўлими методика кабинети мудирига ҳамда шу шаҳардаги 5,11,16,18-мактаб директорларига — жами 27 нафар масъул ходимларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди.

Бу чора-тадбирлар эзгу ишларга йўлланма бўлиши шубҳасиз. Хуллас, пухта bilim соҳибини танлаш ва унинг иқтидорини юксалтиришда фан олимпиадаларининг қуйи bosqichlarining муҳим аҳамиятга эгаллигини барчамиз англаб етишимиз зарур ва шартлигини бир зум бўлса-да, унутишга ҳаққимиз йўқ.

Б.БҮРОНОВ,

Халқ таълими вазирлиги
Таълим муассасалари
фаолиятини ташкил этиш
Бош бошқармаси
етақчи назоратчиси

СУСТКАШЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

**Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим
мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган фан
олимпиадаларининг биринчи (мактаб) bosqichiga
тайёргарликнинг бориши юзасидан ўтказилган таҳлиллар
жараёнида ана шундай хулосага келинди**

мудирлари ва методика марказларининг масъул ходимлари иштирокида "Олимпиада ва унинг самардорлиги" мавзусида семинар-тренинглари ўтказилди. Семинар-тренингларида 700 нафардан зиёд мутахассислар иштирок этдилар. Семинар-тренингларида фан олимпиадаларини ўтказишнинг мақсад ва вазифалари, методик тавсияларда кўрсатилган асосий жиҳатлар ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш тўғрисида батафсил фикр юритилди.

Шунингдек, семинар-тренингларида фан олимпиадаларини талаб даражасида ўтказиш бўйича "Олимпиада нима ва қандай ўтказилди?" мавзусида ўқувчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш ва тавсиялар бериш, олимпиадани ўтказиш тартибларини ўқувчилар, ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасида ишлаб чиқиш, олимпиада бурчагини ташкил этиш, шиор ва чакириқлар тайёрлаш, олимпиада ғолибларини тақдирлаш ва бошқа бир қатор мулоҳазалар ўртага ташланди.

Ўрганиш натижаларидан аён бўлдики, жойларда фан олимпиадаларининг биринчи (мактаб) bosqichiga пухта

ланган варақлар, ўқувчилар сони ва рўйхати тайёрланмаган.

Наманган вилояти Мингбулок ва Учқўрғон туманларида олимпиада тест ва амалий топшириқлари кўп вариантлик тамойиллари асосида тайёрланмаган. Наманган шаҳрида олимпиада материаллари жуда содда, чизмачилик ва иқтисод фанлари бўйича кўп вариантлик тамойилларига амал қилинмаган. Физика, кимё фанларидан тайёрланган амалий топшириқлар Республика таълим маркази тавсияларига мос келмайди.

Қашқадарё вилояти Чирокчи, Нишон, Муборак туманлари ва Қарши шаҳрининг кўп мактабларига методик тавсиялар етиб борманган, натижада умумтаълим мактабларида тест ва амалий топшириқлар тайёрланмаган. Чирокчи, Нишон, Миришкор, Дехқонобод, Муборак туманлари халқ таълими бўлими методика кабинетлари томонидан тузилган тестлар сони ва вариантлари олимпиадани ўтказиш бўйича қўйилган талабга жавоб бермайди.

Андижон вилояти Олтинкўл, Шахрихон туманлари ва Андижон шаҳар Халқ таълими бўлими ва мактабларда тестлар ва амалий

сатисиз ўқитувчи ва ўқувчилар пахта йиғим-теримига жалб этилганлиги муносабати билан 8, 9, 10, 11-синфларда фан олимпиадасининг 1-bosqichini ўтказиш муддати 25-30 ноябрга кўчирилган.

Бухоро вилоятининг аксарият туманларида фан олимпиадаларининг биринчи bosqichini ўтказиш бўйича ташкилий кўмита ишлари ташкил этилмаган, тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Тест ва амалий топшириқлар расмийлаштирилмаган. Олимпиада материаллари белгиланган тартибда тайёрланмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот, Нукус ва Тахياتош шаҳар халқ таълими бўлими ва мактабларида олимпиада буйруғи чиқарилмаган, чора-тадбирлар ишланмаган.

Жиззах вилояти Жиззах, Зомин туманларидаги 15, 60-мактабларда тестлар тузилишида хатоликларга йўл қўйилган. Айрим фанлардан синов материаллари тайёрланмаган.

Тошкент шаҳридаги туман халқ таълими бўлимида 5-8 синфлар учун тест ва амалий топшириқлар тайёрланмаган. Буйруқлар мактабларга етиб борган бўлса-да, ижро назорати тўлиқ

Бу савол зукко ўқувчимиз томонидан берилиши табиий. Негаки, газетамизнинг аввалги сонларида Андижон, Фарғона вилоятларида бўлиб ўтган "Матбуот кунлари" ҳақида қисқача ахборот бергандик. Мазкур тадбир Наманган вилоятида ҳам муваффақиятли кечди, десак муболаға бўлмайди.

Обуна мавсумининг бу йилги тадбирлари ўзига хос тарзда ўтмоқда. Халқ таълими вазирининг буйруғига кўра, таълимга оид барча газета ва журналлар таҳририятлари биргаликда вилоятларга чиқишиб, муштарийлар билан бевосита учрашиб, уларнинг ўз наشرлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан танишмоқдалар. Ана шу бетакорор учрашувларда, асосан, зиёлиларимизнинг таклифлари ўрганилмоқда. Хўш, келгусида газета-журналлар таҳририятлари ўз фаолиятларида қандай ўзгаришлар ясашлари лозим, яна қандай мавзуда янгиликлар ёритишлари зарур, нималар етишмаяпти? Учрашувларда билдирилган фикрларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Рейтинг тизимига ўта-япмиз. Биз қайси давлатлар рейтинг тизимига асосланганми? Таққослаш учун мақолалар бериб борилса... (Муҳаммади Қодиров, Марҳамат тумани).

— Дарс ишланмаси, амалий машғулотлар сценарийси кўпроқ бериб борилса... (Орифжон Тўланов, Марҳамат тумани).

— Математика фани бўйича 3-4 синфлар ўртасида боғлиқлик йўқ. Масалан, тўсатдан диаграммалар пайдо бўлади. Унгача эса диаграмма ҳақида тушунча берилмаган. Дарсликлардаги бундай янгиликларни тажрибали ўқитувчиларимиз қандай ўтишмаяпти? Ана шундай мазмундаги мақолаларни кутиб қоламиз (Азизахон Бузрукова, Марҳамат тумани 42-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси).

— Илғор ўқитувчиларнинг тажрибалари мунтазам ёри-тиб борилса, қарорларга албатта шарҳлар берилса... (Сожида Боймирзаева, Бағдод туманидаги физика-математикага ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқитувчиси).

— "Маърифат"нинг ойлик



танловлари бор. Бу яхши. Лекин унга ўқитувчиларни ҳам жалб этиш ҳамда уларнинг ўз тажрибаларини оммалаштириш мақсадида "Энг яхши дарс ишланмаси" номинацияси киритилса. Йил якунида уларнинг энг сараларини жамлаб, рисолача чоп этилса, айти муддао бўларди (Тўлқинжон Каримов, Бағдод туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси).

— Ҳуқуқий мавзуда савол-жавоблар кўпроқ берилса, кишиларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошишига хизмат қилган бўлардингиз (Фуломжон Бакиров, Бағдод тумани иқтидорли болалар мактаб-интернати).



ёритилса, айти муддао бўларди (Одинахон Давлатова, методист).

— Мактаблар лабораторияларида ашёлар етишмаслиги муаммосини ечиш учун маҳаллий материаллардан фойдаланиш ҳақида кўрсатмалар берилган. Газетада бу борада илғор, тадбиркор бўлган ўқитувчиларнинг иш тажрибаларидан бериб борилса (Зулхумор Кенжаева, методист).

— Бошланғич синфларда олий маълумотли ўқитувчилар таълим бериши ҳақида кўп гапириляпти, амалий чоралар ҳам кўриляпти. Бироқ коллежларни тугатиб келаётган кўплаб ёш кадрларни ишга жойлашга қийналяпмиз.

Улар эҳтиёжга яраша ўқишга қабул қилиниши лозимлигини эътиборга олиб, таҳлилий мақолалар берилса. Иккинчи таклиф — газетада миллионгача санашни биладиган беш яшар болакай ҳақида мақола берилгани. Ушбу тажрибани кенг қўллаб юртимиздаги "вундеркинд"



Информатика" журналининг бор йўғи-битта сони келди, бошқа сонлари чиқмадими? Газетанинг "Меҳмонхона" саҳифасида вилоятлардаги таниқли ва обрўли инсонлар билан ҳам суҳбатлар уюштирилса, айти муддао (А.Отахонов, Чортоқ тумани аниқ ва табиий фанларга ихтисослашган мактаб-интернати ўқитувчиси).

— Ҳозирча тарих фанидан ўн иккита дарсликлар янгиликлар



— Адабиёт дарслиги чиққунича, дастур ва дарс материаллари газетада берилди. Бунинг учун раҳмат. Бугун биз 34 соатлик "Инсон ва жамият" фанидан ана шундай ёрдамга муҳтож бўлиб турибмиз - дарслик йўқ. Иккинчи таклифим — газетада халқаро мавзудаги янгиликларни кўпайтирсангизлар (Хусниддин Шарифбоев, Наманган ВПХҚТМОИ ўқитувчиси).

Кўриб турганингиздек, муштарийлар билан бўлган учрашувлар савол-жавобларга, таклифларга жуда бой бўлди. Бу фикрларга, дейлик, газетанинг шанба ўрнида жума куни чиқишига Сиз нима дейсиз, азиз муштарий? Биз фикрларнинг барчасини эътиборга олишга ҳаракат қиламиз.

Албатта, ҳар бир муштарий билан юзмаюз учрашишнинг ҳам имкони йўқ. Сизда ҳам таклиф борми? Унда анкета саволларимизга жавоб берсангиз хурсанд бўламиз. Алоқа алмашиш учун эса, таҳририятнинг телефонлари, E-mail, факслари ва албатта, почта манзили газетанинг сўнги саҳифасида ёзиб қўйилган.

Ҳ.АБДУЛЛАЕВ,
учрашувлар жараёни акс этган суратлар муаллифи
Б.РИЗОКУЛОВ

ВОДИЙДА ЎТГАН «МАТБУОТ КУНЛАРИ» НИМА БЕРДИ?

— Айти кунда рейтинг тизимига ўта-япмиз. Унга кўра ҳар бир ўқувчи ҳар бир мавзу бўйича балл тўплаши керак. Синфдаги ўттизта ўқувчини ҳар дарсда баҳолашга улгураётган ўқитувчиларнинг тажрибасини бериб борсангизлар (Г.Йўлдошева, математика ўқитувчиси).

— Чет элларда ма-лака оширишга бориш учун ўқитувчига яратилган имкониятлар, турли хил грантлар ҳақида батафсил маълумот бериб борсангиз ҳам ўқитувчига ёрдам бўларди, ҳам газетанинг муштарийси кўпаярди (Оқилахон Нажмиддинова, Бағдод туманидаги иқтидорли болалар мактаб-интернати маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари).

— Одоб-ахлоққа оид ҳаётий воқеаларга асосланган мақола, ҳикоялар бериб борилса, биз уларни тарбиявий соатларда ўқиб борсак (Жамилахон Ортиқова, Бағдод тумани 34-мактаб ўқитувчиси).

— Ўрта мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун педагогик-психологик тестлар берилса (Тўлқиной Тожиева, ўқитувчи).


— Ҳар йили фан олимпиадалари бўлиб ўтади, унда фойдаланилган саволлар, масала ва мисоллар кейинчалик газета саҳифаларида

болалар, уларнинг кейинги тақдири ҳақида мунтазам мақолалар бериб борилса (Дамира Юсупова, Бағдод тумани ХТБ мудури).

— Мактабдан ташқари таълим, директорнинг маънавият ва маърифат бўйича ўринбосари, синф раҳбари, тўғра-рак раҳбари учун зарур бўлган махсус журнал таъсис этиш ҳақида мақолалар бериш керак (Аҳмаджон Исломов, Олтиариқ ХТБ методика кабинети мудури).

— Қиз болаларимиз тарбияси ҳақида кўп гапираляпмиз, амалий чора-тадбирлар кўраляпмиз, бу яхши албатта. Бироқ ўғил болаларимиз тарбияси ўғайлашиб қолмаслиги керак. Бунинг учун ҳам алоҳида эътибор берилиши, хусусан газетада махсус рукн ташкил этилиши лозим (Турсунали Курбонов, Фарғона ВПХҚТМОИ ўқитувчиси).

— "Математика, Физика ва



бўлди (олтитаси Ўзбекистон, олтитаси жаҳон тарихига оид). Бироқ уларда ахборотлар шу даражада кўпки, ўқувчи хотирада сақлаб қолишга қийналяпти. Тарих дарсликлари бўйича дунё тажрибасидан мақолалар бериб борилса, бу масалалар уларда қандай ҳал этилган экан?



(Собиржон Мусабоев, тарих фани ўқитувчиси).

— Тарихда ўтган машҳур олимларимиз кўп, биз улар билан мустақилликка эришгач, танишиб бораяпмиз. Бугунчи, уларнинг авлодлари, дейлик математика илмида бугун жаҳон тан олаётган олимларимиз борми? Ана шундай инсонлар, улар яратган янгилик ва кашфиётлар ҳақида мақолалар берилса (Собитхон Мухторов, математика ўқитувчиси).

— "Маърифат" газетаси чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Чоршанбага эътирозимиз йўқ. Лекин шанба сонини вилоятларда ўша кунни ўқий олмаймиз, яқшанба — дам олиш кунидан кейинги-

"Маърифат" анкетаси

1. Қанча вақтдан буён газетани ўқиб борасиз?
2. Газетадаги қайси рукн ёки саҳифалар Сизга ёқадую, қайсилари ёқмайди?
3. Яна қандай мавзуларда мақолалар ўқишни хоҳлайсиз?
4. Ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот.

P.S. Энг яхши фикр ва таклифлар газетада чоп этилади.

“Инсон ёши улгайиб боргани сайин болалик йилларига тобора кўпроқ яқинлашиб бораверади”. Доно халқимизнинг бу “фалсафа”сига ёшлик кезларимда унчалик эътибор бермаган бўлсам-да, кейинги вақтларда шахсан ўзимда ҳам худди ана шундай ҳис-туйғулар пайдо бўла бошлаганини англаяпман. Қаердаки, шу хусусда баҳс кетса, тортишувлардан нари кетолмайдиган бўлиб қолдим. Баҳслашадиган танишларим эса етарли. Улар билан суҳбатлашгим келади. Айниқса улардан бири кўнглимга жуда яқин. Бу инсон билан гурунглашсам, ўзим учун керакли ниманидир олгандай ва яна ни-



ли 4-5 чақирим йўл босиб, кўшни Макрид қишлоғидаги таълим даргоҳига яёв қатнашарди. Мактабнинг биринчи асосий корпусини 1977 йилда куриб бердик. Болаларимнинг онаси умрининг сўнгги йилларида мана шу мактабга директорлик қилди. Унинг вафотидан сўнг жамоа аъзолари директорлик вазифасини менга юкладилар. Умр йўлдошим, энг садоқатли дўстимнинг хотирасига бағишлаб, шахсий жамғармамиздан 2000 йилда мактабнинг иккинчи биносини тикладик. Ҳозир 200 нафарга яқин болалар ўқишади. Мумкин қадар шарт-шароитни тўла-

ЮРАКДАГИ ВАТАН СУРАТИ

ёхуд миллий истиқлол ғоясини мазмунли умри билан ўқувчиларга ўргатаётган таниқли олим, фидойи ва саховатли муаллим Мухтор Шапсанов ҳаётига чизгилар

маларнидир бир-бирдан фарқлагандай бўламан...

Бу инсон Мухтор ака Шапсановдир. Устоз 60 дан ошди, аммо ҳали қариликка икром бўлганларича йўқ. Назаримда, бутун вужуди кучқувватга тўладек, қоматлари тик, юришлари ўктам. Эрта тонгдан қош қорайгунча мактаб, маҳаллагузар, қолаверса уй-рўзгор ташвишлари билан ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа югургани югурган... Устоз айна пайтда Қашқа воҳасининг Китоб туманидаги “Наврўз” жамоа ширкат хўжалиги худудида жойлашган Индира Ганди номи билан аталувчи 77-мактабда директор. Аслида бу инсонни сизга таништиришнинг ҳожаги ҳам йўқдир. Негаки, бу исму шариф нафақат Китоб тумани, Қашқадарё вилоятида, балки бутун Ўзбекистонда, ҳатто қатор хориж мамлакатларида ҳам анча-мунча машҳур.

Англадингизми? Биз 1966 йилда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг шарқ факультетини имтиёзли диплом билан тугатиб, узок йиллар мобайнида Қарши давлат педагогика институтини, сўнгра Ўзбекистон Миллий Университетини талабаларга инглиз ва форс тилларидан сабоқ берган ажойиб устоз, таниқли олим, фан номзоди, доцент Мухтор Шапсанов хусусида гапираяпмиз.

Мен Мухтор ака билан ҳар гал суҳбатлашиб, икром бўламанки, устозда Ватанни севиш, уни ардоқлаш ҳисси жуда-жуда юқори. Менга қолса, ҳамма-ҳаммамиз Ватанни севишни Мухтор Шапсановдан ўргансак, дейман. Унинг она юртга муҳаббатини тасвирлашга, рости, ожизман.

Мухтор аканинг бир гаплари бор: “Биз туғилганимизда муаллак бўшлиққа тушмаганмиз, ана шу Она ерни кучиб тушганмиз. Шу қўна замин бизни елкасига опичлаб ўстиргани, вояга етказгани учун у дунёю бу дунёда ундан қарздормиз!”

Машойхлар “Одам мусофир бўлмай мусулмон бўлмас” деганлар. Мухтор Шапсановнинг умр йўлларига назар ташлар эканмиз, худди кино ленталари сингаранг-баранг ва ибратомуз “кадрлар” кўз ўнгимиздан ўта бошлайди. Энг эса қоларлиси Ҳиндистон элчихонасида ишлаган кезлари эканлигини қахрамоним тўқик эътироф этади:

— Ҳиндистонда ўтган 6 йил менинг назаримда, 60 йилдай туюлган десам ишонаверинг. Биз ҳинд диёрига бутун оиламиз билан кўчиб бордик. Раҳматли янгангиз Тўтихон Шоимова ҳам элчихонада ишларди. Фарзандларимиз Мухиддин, Музаффар, Мавлон ва Маликахонлар ҳам биз билан бирга эди. Яхши яшардик, еб-ичишда, кийинишда камчилик йўқ эди. Бироқ бизни Ватан соғинчи қий-

нарди. Инсон Она Ватандан кучқувват олиб яшайди. Эсимда, биз ҳар кун, ҳар соат Она Ватанни, жонажон Ўзбекистонни соғиниб, унга талпиниб яшадик...

Мухтор ака бир лаҳза тин олиб, ардоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг шеърини сатрларини ўқий кетди:

Талпинган диёрим —

у Ўзбекистон

Таърифин айтмоққа борми

ҳеч имкон.

Йўқ, ўзга юртларда

беролмасман жон,

Мени олиб кетинг ўз

диёримга.

Домланинг бисотида номзодлик ишланмасидан ташқари бир қанча илмий мақолалар сақланган. 28 та илмий мақоланинг 12 таси Москвадаги марказий нашрлар-

Oramizdagi odamlar

да, 4 таси ҳинд тилида Ҳиндистонда, 3 таси Англияда инглиз тилида, 2 таси Эронда форс тилида, 1 таси Покистонда урду тилида чоп этилган. Хорижий мамлакат нашрларида иштирок этишга ҳамма олимлар ҳам ҳафсала қилаверишмайди.

Олимнинг “Беруний йўллари бўйлаб” деб номланган илмий мақоласи Ҳиндистон ва покистонлик мутахассисларнинг эътирофига сазовор бўлган. Мақола юзасидан бу мамлакатларнинг матбуот нашрларида турли баҳс-мунозаралар эълон қилинганди. Домла ушбу мақоласида юртдоши Абу Райхон Берунийнинг фикрларини илмий жиҳатдан ривожлантириб, Бомбей, Мадорас, Каъч, Рожастон, Аҳмадобод, Музаффаробод, шунингдек Араб денгизи қирғоқларидаги битмас-туганмас нефъ конларини қидириб топиш ва қайта ишлаб фойдаланиш хусусидаги жонли таклифлари билан чиққандилар.

Мухтор Шапсановнинг ҳамқишлоқлари учун қилган энг катта яхшилиги бор, аммо бу ҳақда гапиришни ўзига эп кўрмайди. “Наврўз” қишлоғи аҳли эса унинг шахсий маблағи эвазига қурилган 77-мактабни кўзларига тўтиё деб билишади.

Яхшилик шундай қадриятки, у ким томонидан қилинган бўлса, ўша одам нутиши керак. У яна шундай илдизки, эгаси томонидан эмас, балки ўзгалар эслаб турса, қадр-қиммати ошади. Яхшилик қилгуну дарёга ташла, балик билар, балик билмас холиқ (яъни, худо) билар, деган мақол худди шу маънони ифодалайди.

— Мактаб қуриш таклифи раҳматли рафиқам Тўтихон Шойимовдан чиққан эди. Қишлоғимиз болалари мактаб йўқлиги сабаб-

тўқис яратиб қўйганмиз.

Хайру саховат кўрсатиш савобларнинг энг улуғи “Сен муҳтожга бирни берсанг, Оллоҳ таоло сенга мингга беради”, дейди халқимиз. Бу — азалий ҳикмат. Кўпчилик учун шахсий манфаат биринчи ўринда, аммо Мухтор Шапсанов ўз манфаатини нари суриб, элнинг боласи учун мактаб қурганини ким қандай қабул қилади, билмадим, мен бундай ишга бел болаган кишини валломат даражасига кўтариш керак, деб ҳисоблаган бўлардим.

— Бу йил “Наврўз” жамоа ширкат хўжалиги билан шартнома тузиб, 4 гектар майдонга пахта экилди, — дейди Мухтор Шапсанов. — Биринчи теримдаёқ шартномани урдаладик. Пахтани экиб, деҳқончилик қилиш муаллимнинг иши эмас-ку, озгина бўлса-да, мактабимиз моддий жиҳатдан юксалса, дейманда. Пул бўлса, компьютер сотиб оламиз, ўқитувчиларни рағбатлантирсак деймиз.

Азизим! Сен Ватаннинг заминини синчиклаб кузат. Кўра-япсанми, она заминда онаизоринг аллалари муҳрланиб қолган, бешикларинг рамзи бор. Муқаддас тупроғингдан бир сиқимгина олиб хидлаб кўрчи, нимани туссан? Англадингми? Унда онанинг куйлақларидан томган сутнинг тоғли хидлари бор. Назаримда, М.Шапсанов бутун умри мобайнида ана шу хидга сажда қилиб яшайди.

Мухтор ака “ичимдагини топ” эмас, “бир қоп ёнғоқ”. Бироқ, нишонга тегадиган қилиб гапирдилар: “Инсонда юрак борми, унда Ватан туйғуси ҳам бўлмоғи керак. Бироқ, ҳамма юракда ҳам она юртни севиш туйғуси йўқ. Ватан дардини ўзида мужассамлаштирган юраккина ўз қон томирларига миллий ғурур ҳиссини юбора олади. Меҳр-муруватли, дардли юракдагина Ватан меҳри ошён қуради. Кўксидан ана шундай юрак уриб турган кишигина буюк истиқлолимизнинг юксак бахт эканлигини ҳис қилади. Ўқувчиларим танида ҳам худди ана шундай юрак уриб туришини истаيمان. Бир нарсадан кўнглим тўқ. Ҳозирги ёшлар мустақил юртда туғилиб, унинг меҳридан озиклиниб ўсаяптилар. Улар ҳам кексайишиб, биз каби болаларини кўмсаганларида, шу озод ва бахтиёр дамларини эслайдилар.

Мухтор Шапсановнинг сўзларини тингларканман, у киши ҳақида бир танишимнинг “Кибрили одам” деган сўзларини эсладим. Йўқ, йўқ, бу фикрни рад этман. Бу инсонда кибр йўқ, ғурур бор, миллий ғурур бор, юрагида дард бор. Бу Ватан дарди, Ватан суратидир...

Абдували ОБИДДИНОВ,
“Ma'rifat” мухбири

ОНА ЗАМИН ҚУДРАТИ

У элни севганга тан

Маънавий бойликни, ахлоқий покликни ва жисмоний камолотни ўзида мужассамлаштирган шахсни қандай шакллантириш мумкин?

Маълумки, узок тарихга эга бўлган ўзбек халқининг анъана ва қадриятларида таълим-тарбияга оид бой мерос мавжуд. Ушбу хазина дурдоналарида инсонпарварлик, Ватанни севиш, камтарлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, меҳроқибат каби умуминсоний фазилатлар мужассамдир. Бизнинг асл вазифамиз, кичик ёшдан бошлаб болаларда, аввало, Ватан туйғусини шакллантиришдир. Бунда Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Саъдий Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Маҳмуд Қошғарий, Абдулла Авлоний ва бошқа алломаларнинг асарларидаги айрим намуналарни бола тилига яқин қилиб, содда мисолларда тушунтириб бориш ижобий самара беради. Зеро, ушбу улуғ ижодкорлар асарларида энг эзгу туйғулар юксак бадий маҳорат билан ифода этилгани, бу уларнинг тафаккурини ўстириш билан бирга ана шундай аждодларга муносиб бўлиш туйғусини тарбиялайди.

“Одобнома” дарсларида ўқувчиларга Ватан туйғусини сингди-

ларидан қайтаришга ҳаракат қилибди.

— Қандай ҳикматинг бор, она? — дебди йигитлардан бири.

— Менда бир нарса бор, ҳозир уни сизларга бераман, — дебди-ю, кулбасига кириб, бир халта кўтариб чиқибди. Халта бўм-бўш экан.

— Эй кампир, бизни йўлдан қолдирма, ҳозир ёв бостириб келади ва ҳаммамизни нобуд қилади, — дебди дўқ уриб йиғилганлар.

— Шошма бўтам, шошиш шайтоннинг иши, — дебди аёл ва халтанинг бир бурчагидаги бир дона майизни олиб кўрсатибди.

— Бу, нима? — дебди яна йигитлардан бири.

Кампир эса ҳалиги майизни тошга кўйиб, қирқ бўлакка бўлибди ва меҳр билан йигитларга қараб:

— Олинглар, оғизларингга солинглар. Бу майиз мана шу заминнинг бизга тортиқ қилган бир неъмат. Она ер сизу бизга ризқ-рўз беради, бошпана беради. Демак, у бизни севади, ўз фарзандидек кўради. Фарзанд агар ноқобил чиқса, она уни эмас, ўзини қарғайди. Келинг, болаларим, гуноҳсиз онани гуноҳкор қилиб қўймайлик. Билингки, онаизорни

Milliy istiqloл g'oyasi

риш, ватанпарварлик ҳислатларини шакллантириш каби долзарб муаммоларнинг ечимини топишда турли усул ва методлардан фойдаланиш, янги педагогик технологияларни ишлаш ва уни амалиётга жорий этиш, ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатишда интерфаол усуллар тизимини қўллаш орқали таълим ва тарбия бирлигига еришимиз мумкин.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларига Ватан туйғусини тарбиялашда, унга муносабат, қадр-қиммат, дўстлик, ўртоқлик, бирдамлик, байналмилаллик каби тушунчаларни сингдиришда ўқитувчининг ижодкорлиги, назарий ва амалий билимларга эга бўлиши, ҳар бир бола қалбига йўл топиши керак.

Юксак маънавиятга эга шахсни тарбиялаш ва уни камолга етказиш осон иш эмас. Шу боис ўқитувчининг фақат дарслик билан чегараланиб қолиши катта хато бўлади. Машғулотга пухта тайёрланиш ва янги-янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш механизминини ўқитувчи ҳар бир дарсга кириш олдидан ишлаб чиқиши зарур.

Бу ўринда халқ оғзаки ижоди намуналаридан унумли фойдаланиш юқори самара беради. Зеро, фольклор адабиёти халқ тилидан жуда содда ва раван айтилади. Бу ўринда “Доно момо” ҳақидаги эртани келтириш ўринлидир.

«Қадимда бир мамлакатда қурғоқчилик бўлиб, халқ очликдан азоб чекибди. Бир неча йил давом этган бу офатдан қутулиш чорасини тополмаган халқ орасида иродасиз одамлар ҳам бўлган экан. “Эҳ, бу ҳаётга қанча чидаш мумкин-а?” — деб иккиланиб турган пайтда қўшни давлат подшо-си қўшин тўплаб, бостириб келибди. Бу шум хабарни эшитиб, Ватанини ташлаб қочишга шайланаётган одамлар олдидан эски кулбадан кекса аёл чиқиб:

— Азизларим, тўхтанглар, қайтинглар, Ватанини ташлаб кетиш катта гуноҳ, — деб уларни фикр-

ранжитган фарзанднинг юзи қаро бўлади. Унинг хурмати, ишончини қозонган киши эса завола билмайди. Эсдан чиқарманг, эл-юрт тинчлиги, унинг порлоқ келажаги учун қилинган кичкинагина ишнинг ҳам залвори оғир. Шу боис эзгуликнинг қўлини тутган мағлубият билмайди. Унга она-Заминнинг ўзи куч-қувват бағишлайди, — дебди.

Йигитлар кампирнинг қўлини қайтармай, майиз бўлагини ейишибди. Бир зум ўтмай мўъжиза юз берибди. Йигитлар ўзларини тетик сезиб, қочиб ҳақидаги ўй-фикрларидан воз кечиб, биргаларини, ёв томонга шаҳдам одимлабдилар. Доно момо эса улар ортидан меҳр билан қараб, дуога қўл кўтариб:

— Илоё ой бориб, омон қайтинглар, болаларим. — дебди.

Душман аскарлари жуда кўп экан, лекин йигитлар ўзларида куч-қувват борлигини ҳис этиб, уч кеча-кундуз жанг қилибдилар. Ўз Ватанлари, халқини душмандан ҳимоя қилишда жасорат кўрсатибдилар. Охири ёв аскарлари чекина бошлабди. Буни кўрган йигитлар янада руҳланиб, уларни тор-мор қилибди. Шундай қилиб, уруш тугабди. Йигитлар голибликни қўлга киритиб, доно момо олдига келиб, таъзим қилиб, унга раҳмат айтишибди.

Ватанини севиш фақатгина инсонларга хос фазилат бўлмай, жамики жонзотлар — ҳайвон, ҳашаротлар, қушларга ҳам эш туйғу. Ҳеч ўйлаб кўрганмиз, нега қабутар ўзга ўлкаларга учиб кетмайди? Нега олтин қафасга солсангиз-да, ўз чангалзорини афзал билади. Бу ундаги Ватанга муҳабати, озодликни севишидан дарак.

Ватан туйғуси болаларга ана шундай қизиқарли мисоллар билан тушунтирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори, профессор,
Ситорахон РАҲМОНБЕКОВА,
аспирант

Жорий йилда қабул қилинган "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Президент фармойиши, Фармони ва унинг ижросини таъминлашга оид Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мавжуд муаммоларни ҳал этиш, республика мактабларидати, айниқса, қишлоқлардаги таълим муассасаларини замонавий талаблар асосида барпо этиш, уларда барча зарурий шарт-шароитларни яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Асосан бешта йўналишдан иборат мазкур Давлат умуммиллий дастурида:

— мактаб биноларини реконструкция қилиш (зарур ҳолларда ўрнига янгиларини қуриш), капитал, жорий таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш;

— мактабларнинг ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш; таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;

— умумий ўрта таълим мактаблари, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педогог кадрлар билан таъминлаш;

— мактабларда спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш каби таълим сифатини кафолатлайдиган энг муҳим омилларни ўзида мужассам этган.

Шундан келиб чиқиб газета республика Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ушбу 5 йўналишдаги ишлар юзасидан ўтган қисқа давр мобайнида амалга оширилган ишлар таҳлили, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳамда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган таҳлилий мақолаларни эътиборингизга ҳавола этмоқда. Уйлаймизки, таълим тизимидаги бугунги жараён ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. (Қуйидаги биринчи мақолада дастлабки вазифа—умумий ўрта таълим мактаблари биноларини реконструкция қилиш, янгиларини қуриш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш борасидаги ишлар таҳлилга тортилган).

Таълимнинг миллат, юрт эртаси учун нақадар аҳамиятли эканлигига қайта-қайта тўхталиш ортиқча. Зеро, инсон борки, эртанги кунга умидвор. Демак, келажак орзуларисиз яшаш инсонга татимайди. Шу боис ҳам айни ҳақиқат бугунги кун, яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш масъулиятини юклайди зиммамизга.

Аслида, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бошланган таълим тизимидаги ислохотлардан кўзланган мақсад-муддао замирида ҳам айни, исбот талаб қилмайдиган азалий ҳикмат — таълим ислохоти орқали юрт истиқболи, миллат эртасига пойдевор қўйиш мақсади ётгани шубҳасиз. Ўтган қисқа давр мобайнида соҳада эришилган муваффақиятларни санашнинг ҳожати йўқ, назаримда. Негаки, у ҳаманинг кўз-ўнгида рўёбга чиқмоқда. Бироқ ҳали бажарилиши лозим вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар талайгина.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги фармонининг қабул қилиниши боиси ҳам шунда. Хабарингиз бор, мазкур дастурнинг асосий моҳияти таълимнинг дастлабки бўғини — умумий ўрта таълим тизимидаги мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратилган. Албатта, маъно-моҳиятан дастур 2009 йилга қадар тизимдаги мавжуд камчиликларни ҳал этишга қаратилган. Бироқ зийрак ўқувчи биладики, шу давр ичида бажарилиши лозим вазифалар босқичма-босқич, яъни йилмайил маълум миқдорда ҳал этиб борилади. Савол туғилади: умуммиллий дастур қабул қилингандан сўнг, шу кунга қадар бажарилиши белгиланган вазифалар нечоғлик удаланаяпти-ю, юзага келган муаммолар нималардан иборат бўлмоқда?

Ушбу саволларга республика Халқ таълими вазирлигининг куни кеча бўлиб ўтган Марказий аппарат йиғилишида жавоб изланди. Айтиш жоизки, йиғилиш анчайин танқидий руҳда ўтди. Зеро, айрим мутасадди ходимларнинг йўл қўйган хато ва камчиликлари натижасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиш муддатида кечикиш ҳолатлари юзага келган. Ҳўш, муаммолар айни қайси жиҳатларда кўзга ташланади?

Биласиз, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишдаги асосий вазифалардан бири бу — умумий ўрта таълим мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш орқали болаларнинг таълим олишларига зарур шароитларни яратишдан иборат.

Таҳлилларга мурожаат қилсак, жорий 2004 йилда республика бўйича 6850 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 26 та янги мактаб биноларининг қурилиши, 2465 ўқувчи ўрнига мўлжаллан-

лиш ишлари давом эттирилмоқда. Шунингдек, капитал реконструкция қилиниши режалаштирилган мактабларнинг атиги 42 фоизида ишлар тўлиқ амалга оширилган. Қиш-қировли кунлар яқин айни кунлардаги ҳолатнинг бу тарздаги кўриниши албатта, барчани сергаклантириши лозим. Тўғри, капитал ва жорий таъмирланиши назарда тутилган мактабларда режа юз фоизга удаланган. Аммо бу муаммо тўлиқ ҳал этилди дегани эмас.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Ҳўш, белгиланган вазифаларнинг бажарилишига қандай омиллар тўсқинлик қилди? Бунга биргина Андижон вилоятида юзага келган вазият билан жавоб қидирсак. Маълумки, Андижон туманидаги 15-мактаб учун 640 ўқувчи ўрнига мўлжалланган янги мактаб биносининг 320 ўринли ўқув биносидаги қурилиш ишлари жорий йилда тугатилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган эди. Шу мақсадда 395 млн. сўм ажратилиши талаб этилган ҳолда 200,0 млн. сўм режалаштирилган. Устига-устак мазкур объектни қуришни ўз зиммасига олувчи қурилиш ташкилотини аниқлаш учун ўтказиладиган тендер савдолари кечикиб ташкил этилган. Бу ҳам етмагандек қурилиш ишларига ажратилган маблағлар ўз вақтида молиялаш-

УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР: ДАСТЛАБКИ САРҲИСОБ, ХУЛОСАЛАР ВА ВАЗИФАЛАР

ган 8 та мавжуд мактаблар капитал реконструкция қилиниши, қарийб 300 минг ўқувчи ўрнига эга 430 та мактаб бинолари капитал ҳамда 174 та мактабларда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиши лозим эди. Албатта, ушбу вазифаларни янги ўқув йилига қадар якунлашнинг имкони йўқ. Шу боис дастурни амалга ошириш жараёнида 2009 йилга қадар амалга оширилиши режалаштиралаётган ишларни мувофиқлаштириш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарлар бўйича бузиб ташланганидан, капитал таъмирлаш талаб этиладиган мактаблар жойлашган манзилларнинг хариталари тузилиб, шу асосда ҳар бир объект бўйича тиклаш ишлари мактаблардаги ўқув жараёнига таъсир этмаслиги учун аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган. Бу ҳол ўқиш-ўқитиш жараёнида муайян қийинчиликларни келтириб чиқариши табиий. Яъни, ўқувчилар учун қўшимча машғулотлар, тўғрак ишларининг юритилишида муаммолар юзага келади. Бу эса белгиланган вазифанинг ўз вақтида бажарилиши нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жорий йилнинг октябрь ҳолатига қадар 5602 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 23 та (5 таси қисман) янги мактаб биноларининг қурилиши якунланиб, ишга туширилган ҳолда бу кўрсаткич 76 фоизга бажарилган. Демак, 3 та мактабда ўқувчилар ҳали-ҳамон ноқулай шароитда ўқишга мажбур бўлаётган бўлса, 5 та мактабда ўқув жараёни бораётган бир пайтда муассаса биносининг бошқа бир қисмида қури-

рилганига қарамай 25 сентябрь ҳолатига қадар пудратчилар томонидан атиги 59,8 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган ҳолос. Бу эса жорий йилда амалга оширилиши назарда тутилган ишнинг бор-йўғи 30 фоизи бажарилганлигини кўрсатади.

Шунингдек, Бухоро вилояти бўйича жорий йилда 684 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 2 та мактаб (Олот туманидаги 324 ўринли 34-мактаб ҳамда Пешку туманидаги 360 ўринли 38-мактаб) қурилиб ишга туширилиши мўлжалланган ҳолда фақатгина ўқув биноларидаги қурилиш-монтаж, пардозлаш ишларининг якунланишига улгурилган. Ҳолбуки, бу даврга қадар мактабда мазкур ишлардан ташқари биносининг лойиҳа-смета ҳужжатларига киритилган спорт зал, ошхона ҳам битказилиши лозим эди. Айни ҳолат Қашқадарё вилоятида ҳам мавжуд. Яъни, вилоятда 1620 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 6 та янги мактаб ишга туширилиши режалаштирилган ҳолда 980 ўринга эга 6 та ўқув блоклари фойдаланишга топширилган ҳолос. Бу рақам эса йиллик режанинг атига 60 фоизини ташкил этади. Натижада вилоятнинг Чироқчи туманидаги 33-, 92-, 152-, Шаҳрисабз туманидаги 53-мактаб, Яккабоғ туманидаги 45-мактаблар учун янги бинолар қурилиши тўлиқ ниҳоясига етказилмаган. **Сабаб эса битта: ушбу объектларнинг ўз вақтида қурилиш ишларини якунлаш учун вилоят ҳокимлиги томонидан талаб этилган маблағлар тўлиқ ажратилмаган. Энг афсусланарлиси, ҳозирда ушбу бинолардаги қурилиш иш-**

Қарор ва ижро

ларининг ўлда-жўлдалиги ўқувчиларнинг замон талаблари даражасида таълим олишларига тўсқинлик қилаётир. Бундай салбий ҳолатга минг афсуски, Қорақалпоғистон Республикасидаги мутасадди раҳбарлар томонидан ҳам йўл қўйилмоқда. Ачинарлиси, ушбу минтақада капитал реконструкция қилиниши режалаштирилган таълим муассасалари учун зарур бўлган маблағнинг бор-йўғи 13 фоизигина ажратилганлигини қандай тушуниш мумкин.

Ҳозирда йўл қўйилган мазкур камчиликлар юзасидан республика Махсус комиссияси томонидан қабул қилинган 2004 йилнинг 16 октябрдаги 07-11-175-сонли баённомаси қарорида кўра қўшимча маблағлар ажратилиши Молия, иқтисодиёт вазирликлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига юклатилди.

Юқоридаги каби ноҳус ҳолатларнинг келгуси йилда ҳам давом этмаслигининг олдини олиш мақсадида республика Халқ таълими вазирлиги, "Ўздавлатархитектурақурилиш" кўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамкорликда республика ҳукуматининг 321-сонли қарори билан тасдиқланган параметрлар доирасида 2005 йилда бузиб ўрнига қуриладиган, капитал реконструкция, капитал ва жорий таъмирланадиган таълим муассасалари бинолари бўйича қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Унга кўра, келгуси йилда 16,2 минг нафарга яқин ўқувчи ўрнига эга 53 та янги мактаб биноларининг қурилиши, 284 та мактабда капитал реконструкция, 438 та мавжуд мактабларда капитал ҳамда 322 та мактабда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиши билан бир қаторда уларни зарурий мактаб мебеллари, ўқув лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва спорт инвентарлари билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Бунинг учун эса, энг аввало, шу йилнинг август-сентябрь ойининг биринчи ҳафтасида республиканинг барча ҳудудларида ташкил этилган масъул комиссия томонидан ҳар бир объект бўйича ишнинг турига қараб яроқсизлик далолатномаси (дефектний акт) тайёрланди. Шу асосда "Ўздавлатархитектурақурилиш" кўмитаси ҳамда ҳокимликларнинг мутасадди ташкилотлари билан биргаликда янги қурилиш, капитал реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш ишларининг бажарилиши бўйича манзилли дастур тайёрланиб, республика бўйича умумлаштирилди. Республика Махсус комиссияси томонидан ушбу дастур маъқуллангандан сўнг, 2005 йил инвестиция дастурига киритиш учун Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этилди. Бугунги кунда келгуси йил дастурига киритилган барча таълим муассасалари бино ва иншоотлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тахт қилинган ҳолда экспертизадан ўтказилиб, тендер савдоларига қўйиш учун тайёрлаб қўйилди. Шунингдек оммавий ахборот воситаларида тендер шартлари эълон қилинди.

Айтиш кераки, соҳадаги кенг тармоқли ишлар дастлабки босқичда эканлиги боис айрим чалкашлик ва хатолардан холи эмас. Муҳими, биринчи ва залворли одимлар ортда қолди. Демак, манзил, кўзланган мақсад яқин.

Раҳимжон АКРОМОВ,
Халқ таълими вазирлигининг
Таълим жараёнини таъминлаш
бўлими бошлиғи

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Ma'rifat" муҳбири

Бийдай сахро ўртасида бир карвон кетаётир. Катта-кичик туялар шошмай, секин-секин эгалари ундовида олға интилади. Ўрқачларига эса юк ортилган. Чўлдаги об-ҳавога ишонч йўқ. Тўсатдан пайдо бўлган довул карвонга катта талофат етказиши мумкин. Уни эсон-омон манзилга етказиш эса карвонбошининг зиммасида. У бошқаларга нисбатан қатъиятли, зийрак ва уddaбурон бўлиши керак. Агар унда шу хислатлар қарор топмаган бўлса-чи? У ҳолда карвоннинг тақдирини ҳақида бир нарса дейиш қийин. Худди шундай манзара таъбир жоиз бўлса, минглаб йигит-қизларни ўз бағрига олган таълим даргоҳларида ҳам кузатилади. Гап бошқарувчилар зиммасидаги "юк" қанчалар масъулиятли эканлиги ҳақида. Ҳар бир даргоҳда бошқарув тизими мавжуд. Агар ўша ерда раҳбарлик намунали йўлга қўйилган бўлса, ютуқлар кўп. Аксинча бўлса, демак, бу ердаги бошқарувда номувофиқликлар, зиддият ва келишмовчиликлар бор. Миллий рассомлик ва дизайн институти мисолида айнан шу мавзунинг ўрганишга ният қилдик.

ИНСТИТУТНИ КИМ БОШҚАРАДИ?

Бу савол мени узок муддат қийнаб юрди. "Тафаккур" журналининг (3/2003) мутолаа қилаётганимда, "Уч буюк мезон: қонун, мафкура ва маънавият" (муаллифи Султонмурод Олим) номли мақола эътиборимни тортди. Мақоланинг бир бандида кичик сарлавҳада "Оилани ким бошқаради?" савол муҳокамага ташланган ва етарлича жавоб ҳам берилган эди:

"...Агар шундай савол билан турли тоифа кишиларига мурожаат қилиб, ижтимоий сўровнома ўтказилса, бир-бирига ўхшамаган антиқа жавоблар мажмуини қўлга киритсак керак. Тахминан мана шундай жавоблар олсак ажаб эмас:

— "Ота бошқаради". Тўғри, чунки Шарқда ота бошқармайдиган оиланинг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас.

— "Она бошқаради". Она бошқармаса, оила оила бўладими? Бошқарганда ҳам шундай бошқарадики...

— "Катта ўғил бошқаради". Бунга ҳам етарлича далил топиш мумкин.

— "Катта қиз бошқаради". Бу ҳам хато эмас.

Хуллас, жавобларнинг сони кўпайгандан кўпайиб бораверади. Хатто янга, почча бошқарадиган оилалар ҳам борлигини билиб оламиз.

Бир нарса ҳақиқат: аслида оилани ҳамма бошқаради, яъни бошқарувда ҳар кимнинг ўзига хос ўрни бор. Фақат ота-отанга, она-онага тааллуқли жиҳатдан бошқаради...

Мақолани институт бошқарув тизимидаги жараёнларга муқоаса қилиб кўрдим. Ва бо ҳаргоҳни ким бошқариши ҳақида ўйлай бошладим. Ректорми, проректорларми, жамоат ташкилотларими ёки турли кенгашларми? Олий таълим муассасаларида ҳам ҳар кимнинг бажарадиган ўзига хос вазифалари мавжудлиги нуқтаи назардан бу жараёнда ректордан тортиб қоровулгача иштирок этади, деган хулоса пайдо бўлади.

Миллий рассомлик ва дизайн институти Ўзбекистон Бадий Академияси тасарруфида

бўлиб, ўқув-услугий ишлар юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бўйсунди. Институт 5 та факультет ва 18 кафедрадан иборат тузилмага эга. Ректор институтдаги умумий бошқарувни назорат қилувчи биринчи шахс. Илмий кенгаш эса институтда олиб борилаётган тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи бошқарув органи

БОШҚАРУВ ТИЗИМИ:

уни пухта ташкил
этишда гап кўп

ҳисобланади. Йиллик иш режа тузилиб, ҳар ойда ўтказиладиган йиғилишда унинг ижроси таҳлил қилинади. Тайёрланадиган дастурлар, дарслик ва қўлланмалар ҳам илмий кенгашда тасдиқланиб, сўнгра нашрга тавсия этилади. Йил охирида ҳар бир бўлим илмий кенгашда ҳисобот беради, улар тўпланиб китобча шаклида чоп этилади.

Бошқарув тизимида ўқув, илмий, маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорларнинг ҳам ўзига хос ўрни бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз йўналишлари доирасидаги бўлимларни бошқаради. Хусусан, 1-проректор институтдаги маънавий-маърифий, тарбиявий тадбирлар, кўргазмалар ташкил этишга бошқаради. Ўқув ишлари проректори эса, энг аввало, ўқув жараёнини ташкил қилиб, ишчи ўқув режаларига мувофиқ талабаларнинг ўзлаштиришларини, ўқув ва амалиёт бўлими фаолиятини назорат қилади, меъёрий ҳужжатларни тўлдирди, тизимга мослаштиради. Иқтисодий ва тадбиркорлик ишлари проректори эса институт бюджети, молиявий масалаларнинг бажарилишига масъул. Деканлар факультет фаолиятини ҳар томонлама мувофиқлаштириб туришади. Улар ижро назорати хусусида

мунтазам равишда ректорга маълумот берадилар. Шунингдек, бошқарув тизимида декан ўринбосарлари, кафедра мудирилари, кураторлар, ҳатто курс, гуруҳ етакчилари (старосталар)нинг ҳам бажариши лозим бўлган қатъий вазифалари белгилаб қўйилган. Ҳўш, талабалар-чи, деган савол кўндаланг бўлади. Ростини айтганда, бутун бошқарув тизими талабаларни бир мақсад сари йўналтиришга қаратилса ҳам, уларнинг-да ўзига хос иштироки борлигини тан олиш керак.

ТАЛАБАЛАРНИНГ БОШҚАРУВ ТАШКИЛОТЛАРИ

"Қисқичбақа, чўртан балиқ ва оққуш" ҳақидаги масални ўқимаган, эшитмаган ёки мазмундан хабардор бўлмаган ўқувчи бўлмаса керак. Аравани ҳамма турли томонга етаклагани сабаб бир қадам ҳам силжита олишмайди. Агар улар ўша

нинг нимага қизиқиши сўралади ва кейинги тадбирда бу инобатга олинади. "Нафис" талабалар мода театри, "Тасвира" ансамбли ҳам ёшларга ўз маҳоратларини намойиш қилишлари учун имконият яратмоқда.

Институт мураббийлари ва талабаларининг барчаси умумий мақсад ва гоё теварагида жипс-лашишган: "Сен ўз маънавиятнинг юксалтирсанг, бунёдкор ижодкор бўласан", деган тушунча ҳар бир талабанинг онгидан мустаҳкам ўрин олган. Айтишни унутибмиз, институтда фақат иқтидорли, талантли ёшларгина таълим олишлари мумкин. Чунки тасвирий санъат — хоҳ у ҳайкалтарошлик, хоҳ рассомлик бўлсин, истеъдоднинг ўзи етарли эмас, маҳорат, изланиш ва ўқув ҳам керак бўлади.

РАҚОБАТГА ЧОРЛОВЧИ ТАНЛОВЛАР

Раҳбар кадр ва мутахассисларни тўғри танлаб, уларга вазифаларини бажаришлари учун қулай имкониятлар яратиши лозим. Шунингдек, ходимларнинг фаолиятини назорат қилиб, эришган натижаларига ҳолисона баҳо бериши, кези келганда, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириши зарур. Зийрак раҳбар ҳар бир ходимнинг қобилиятини ўрганиб, ундан оқилона фойдалана олади. Албатта, ўз ишига масъулият билан ёндашадиганлар рағбатлантирилса, бу бошқаларни ҳам ибрат олишга чорлайди. Таълим сифатини ошириш мақсадида "Энг яхши факультет", "Энг яхши кафедра", "Энг яхши мураббий" сингари танловлар ташкил қилини институтда ҳам таълим сифатини оширишга, ҳам рақобат муҳитини шакллантиришга таъсир кўрсатмоқда. Ижодкорларни рағбатлантириш мақсадида эса "Олий эҳтиром дипломи", шунингдек бошқа турли кўкрак нишонлари жорий этилган бўлиб, профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасида ижодий рақобатни, мусобақалашини вужудга келтираяпти.

Бошқарув тизимининг аънавий шаклидан тўғри фойдаланишнинг самараси ўларок, жамоадан ножиоз, номақбул гаплар ташқарига чиққани йўқ. Дарс жадвалининг тўғри тузилишидан тортиб, талабанинг ўз турар жойига кетишига қадар бўлган вақт ҳам маъмурият назоратида, бу эса бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун деган умумбашарий шioriни ёдга солади. Зеро, бошқарув тизими тўғри йўлга қўйилган ҳар қандай даргоҳда муваффақиятлар кўпаяди. Иш унуми ортиб, оқоридан қўйилган талабалар кўнгилдагидек бажарилади.

Азиз НОРКУЛОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — УМИДИМИЗ

Иқтидорли талабалар билан ишлашни такомиллаштириш, уларни бакалавр босқичиданоқ магистратурага тайёрлаш мақсадида Тошкент архитектура-қурилиш институтига "Магистратура ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими" ташкил этилган эди. Мазкур бўлимнинг асосий вазифаси иқтидорли талабаларни аниқлаш ҳамда ўз иқтидорларини рўёбга чиқариш ва ривожлантириш учун ижодий муҳит ва шарт-шароит яратиш беришдан иборат. Ушбу мақсадга махсус дастур ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, талабалар ўқув жараёни икки босқич асосида йўлга қўйилган. Биринчи босқичда қўшимча ўқув режага асосан ўқитиладиган дарслар ҳажми ҳафта-сига 8 соат қилиб белгиланган. Унда "Янги ахборот технологиялари", "Хорижий тил", "Хорижий қурилиш технологияси" каби фанлар бўйича машғулотлар ўтказилади. Иккинчи босқич машғулотларнинг ҳафталик ҳажми 6 соатдан иборат. Бу жараёндаги таълим мутахассислик кафедралари томонидан тузилган дастурларга асосан амалга оширилади.

Олий ўқув юртимиз тажрибасига қайтадиган бўлсак, бу ерда қўшимча машғулотларга етувчи профессор-ўқитувчилар жалб этилган. Бу машғулотларда компьютер технологияси ва видео-аудио технологияларини кенг қўллашга эришиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Машғулотларда фаол иштирок этган ва юқори рейтинг кўрсаткичига эга бўлган иқтидорли талабалар 30 фоиз миқдорига қўшимча стипендия оладилар. Шундай имтиёзлар иқтидорли талабаларга сабоқ бераётган профессор-ўқитувчиларга ҳам яратилади. Ўтган 2002—2003 ўқув йилида жами 46 нафар иқтидорли талаба қўшимча ўқув машғулотларига жалб этилди. Улардан 3 нафари Беруний ва Улуғбек номидаги Давлат стипендиялари совриндорлари, 6 нафари институтимизнинг иқтидорли талабаларига аталган махсус стипендияларига сазовор бўлишди. Жорий 2003—2004 ўқув йилида иқтидорли талабалар сафини яна 56 нафар талаба тўлдирди. Уларнинг икки нафари Беруний номидаги давлат стипендияси, 8 нафари олий ўқув юртимизнинг атоқли олимлари: Т.Ўрозбоев, Б.Ашрабов, В.Қобулов, А.Бобохонов номидаги махсус стипендияларнинг совриндорларидир.

Истеъдоднинг яна бир ажойиб намунаси талабаларнинг республика фан олимпиадаларида намойиш бўлди. Институтимиз талабалари республика олий ўқув юртлири талабалари орасида 2001—2002 ўқув йилида ўтказилган талабалар олимпиадасида иккинчи, 2002—2003 ўқув йилида ўтказилган олимпиадада эса фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

Ушбу ўқув йилида янада юқори натижаларга эришилди. Талабаларимиз яна бир бор биринчи ўринни қўлга киритдилар. 43 та фан йўналиши бўйича 43 нафар талаба иштирок этди. Эндиликда иқтидорли талабаларнинг аксарияти кейинги магистрлик босқичида ўқишни давом эттиришмоқда. Ҳозирги кунда ТАҚИ магистратурасини тугатган ёшларимизнинг 12 нафари институтимиз кафедраларида ассистентлик лавозимида фаолият кўрсатмоқда. 15 дан зиёд магистрлар эса аспирантурада илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқдалар.

Талабаларнинг мустақил фикрлаши ва турли манбалардан олган билимларини умумлаштириш кўникмаларига эга бўлишига битирувга оид малакавий ишларнинг аҳамияти катта. Шу сабабли факультетларда ташкил этилган сифат комиссиялари малакавий битирувга оид ишлар натижаларини пухта таҳлил этиши низоҳатда муҳимдир. Магистрлик диссертациялари ва бакалаврлик битирув малакавий ишлари сифатини таъминлашда етарли даражада илмий маълумотлар йиғиш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда компьютерлар ва интернет тармоғининг роли каттадир.

Х.АКРАМОВ,
техника фанлари доктори, профессор,
Ш.АВЧИЕВ,
техника фанлари номзоди, доцент

SHOIR, BASTAKOR VA MUSAVVIR


XIX asrda chex she'riyatining Karel Ginek Maxa, Yan Neruda kabi milliy daholari bor edi. XIX asr oxiri va XX asr boshlarida Brzejin, Sova, Bezruch, Neyman singari ajoyib iste'dod sohiblari faoliyat ko'rsatgandilar. Vitezslav Nezval esa XX asr o'rtalariga kelib chex she'ri shuhratini ilk bora chinakamiga dunyo miqyosiga olib chiqqan buyuk shoirdir. Uning bolalar uchun yozgan asarlari, kattalar uchun yozganlari kabi, adabiyot olamida yirik hodisadir, deyishadi adabiyotshunoslar.

Vitezslav Nezval 1900 yilda Moraviyaning Biskoupki qishlog'ida tug'ilib, 1958 yilda Chexoslovakiya (hozirgi Chexiya)ning Praga shahrida vafot etgan. Otasi qishloq o'qituvchisi edi. Trshebich shahrida gimnaziyaning tamomladi. 1918 yilda harbiy xizmatda bo'ldi. 1919 yilda Brno shahridagi universitetning huquqshunoslik kulliyotida o'qidi. 1920 yilda Karlovo universitetining falsafa fakultetiga o'tdi.

1922 yilda nashr etilgan birinchi she'riy to'plami "Ko'prik" deb atalardi. Keyin "Pantomima" (1924), "Kichkina gulbog'" (1926), "Qabrlardagi yozuvlar" (1927) kabi kitoblari bosilib chiqdi. "Edison" (1928) nomli lirik dostonida insonning ijodiy jasoratini ulug'laydi. Nezvalning bu dostoni haqida atoqli turk shoiri Nozim Hikmat "XX asr she'riyatining cho'qqilaridan biri" deb yozgan edi. "Zamon signali" (1931), "Besh barmoq" (1932), "Qaytish chiptasi" (1933) kabi she'riy to'plamlarida insonning qadri, moddiy va ma'naviy hayotidagi turli ziddiyatlar, mehnatkashlar olamining halol hayoti haqida fikr yuritadi, yaqinlashib kelayotgan urush xavfiga qarshi norozilik bildiradi.

Nezvalning maxsus bolalar uchun yaratgan asarlari

BOLALAR



DUNYOSI

ham o'ziga xosligi bilan ajralib turadi. Uning "Yaxshi ruhli Anichka bilan somondan bo'lgan Gubert" (1936) nomli ertagi so'z o'yinlariga boyligi, serma'noligi, omonim so'zlari ko'pligi tufayli tarjimaga «bo'yin bermaydi». Unda bir qishloqlik o'g'il bola bilan bir shaharlik qiz bolaning sarguzashtlari, ularning dunyoni idrok etishlaridagi ziddiyatlari juda qiziqarli manzaralarda berilgan. Bu kitob shoirona tasavvurlar va xayolotning cheksizligi bilan o'quvchini o'ziga qattiq jalb qiladi. Nezval: "Bola, atrofidagi dunyoni qabul qilishda shoirga o'xshaydi", deb ta'kidlagan edi.

Bolalikning betakror olami Nezval ijodining yetakchi mavzularidan biridir. Imonli insonga xos pokiza tuyg'ular, kundalik g'am-tashvishlardan bir necha bora yuqorida turuvchi fikr va g'oyalar Nezval she'riyatida birinchi o'rinni egallaydi. Uning "Hayotimdan" nomli xotiralar kitobi shu ma'noda juda qadri-qimmatlidir.

Nezvalning "Bolalar uchun narsalar, gullar, hayvonlar va insonlar" (1937) degan kitobi yanada qiziqarlidir. Unda qisqa-qisqa bor-yo'g'i bir necha satrdan iborat ertakchalar to'plangan. Ular gullar, hasharotlar, hayvonlar va insonlarga xos xususiyatlar to'g'risida hikoya qiladi. Shoir o'z bolaligini qurshab olgan dunyoni qayta yaratganga o'xshaydi. Shoirning bulardan boshqa kitoblari ham bolalarning doimiy hamrohidir.

Vitezslav Nezvalning she'riyatida sarbast, verlibr kabi yangi she'r shakllari bilan bir qatorda klassik she'r namunalari ham, sonet, rondo, ballada, romans kabi turlar ham ko'p uchraydi.

Ayni chog'da u iste'dodli bastakor va musavvir ham edi.

Vitezslav Nezval rus, fransuz, nemis, ispan shoirlarining asarlarini chex tiliga tarjima qilgan. Biz uchun yanada qiziqarli tomoni shuki, u chex o'quvchilarini Nizomiy ijodi bilan ham tanishtirgan.

O'z navbatida Nezval asarlari ham jahon tillariga o'g'irilgan.

Nezval o'z yurtida bir qancha mukofotlar sovrindori, Xalq shoiri unvoniga sazovor bo'lgan. Shuningdek, Jahon Tinchlik Kengashining oltin medali bilan ham taqdirlangan edi.

Miraziz A'ZAM

SEHRLI MAKONGA BORAMIZ

Birinchi, ikkinchi, uchinchi...
Bolalar, ortimdan uching-chi!
Qani, ketdik o'tloqqa,
Unda o'ynab kulmoqqa.

Ko'ramiz quvlashib dalani,
Yangratib, boshlaymiz yallani,
So'ng boramiz o'rmonga,
Sirlar to'la makonga.

Sehrlil qo'sh yaydoq orasi -
Unda bor qadimiy bir qasr,
Yuringlar chaqqon-chaqqon,
Unda bor oltin ilon.

Oltin ilon, bilsangiz,
Pichir-pichir qiladi.
Eshiklarning qulfini
Sekin ochib beradi -



Birinchi, ikkinchi, uchin-chi!
Bolalar, ortimdan uching-chi!

SHOXLI QO'NG'IZ

Sovut taqqan, dubulg'a taqqan
Shoxli qo'ng'iz tirmashib chaqqon
Chiqdi tog'da mirzaterakka
Vahm solib sokin yurakka.
Terak dedi qaltirab tani:
- Chaqirmagan edim-ku sani...
Kimsan o'zi? Kepsan bemavrid,
Nima uchun egningda - sovut?
- Men ritsarman tushgan bolutdan,
Hurmat ko'rsat! Qo'rqma sovutdan...
Poyga qipsiz... Eshittim o'zim,
Bizlarga ham bergin-da bazm!
Terak dedi: - Seni qara-yu!
Bazmimizni qipsan-da orzu!
Rosti - xafa bo'lma-yu mendan -
Qo'rqinchlisan, qo'rqayapman sendan.
Yo'ling ochiq - sekin ket, ana,
Bolutdagi uyangga jo'na!
Kutishyapti iningdagilar...
- Uyang? Ining? Iningdagilar?
Ey, esi past, muncha ovsarsan?!
Aytdim-ku: men shonli ritsarman!
To'nka ichra mening qasrim bor -
Muhtasham bir qasr ulug'vor. -
Terak titrab ketdi bu safar
Qir uchidan ildizga qadar.
So'ng shunday bir silkdil qo'ng'izni...
Tugatimiz shu yerda so'zni.

SHOSHMA, KUZ...

Kuzgina, ey, kuzgina,
Yomg'ir bilan ezmay tur.

Shoshma bizga ozgina,
Biror hafta sekin yur.

Sevib quyuq o'rmonni
Kezgakdek ixlos bilan.
Xo'shlab ulgurmadik
Ammo to'kin yoz bilan.

Yana bizlarni picha
Ilitsin oltin quyosh.
Kelasi yil yozgacha
Qari bo'lamiz bir yosh.

Qarimaymiz-u undog',
Ulg'ayamiz bir yilga.
Gala qushday yoshlik chog'
Ketar boshqa manzilga.

Kuzgina, ey, kuzgina,
Yomg'ir bilan ezmay tur.
Shoshma bizga ozgina,
Biror hafta sekin yur.

QUGURT CHO'P

Kalit tushdi ko'ptokka,
Bulut tushdi oftobga.
Qutichada gugurt cho'p
Opa-singilday bir to'p.
Gugurt cho'pdan alanga
Tarqaladi olamga.

ASALXO'R QIROL

Bir payt qirol bo'lgan ekan,
Qari qirol judayam.
Qanddan ko'ngli qolgan ekan,
Shokolad bo'lgandayam.

Qirol o'zin ovutarkan
Faqat xushbo'y bol bilan,
Yilda qancha asal yerkan -
Hech kim o'lchab bilmagan.

Tog' asali, dasht asali,
Gul asali xilma-xil
Yoz mahali, kuz mahali -
Tinmay yerdil butun yil.

Text atrofing bosdi birdan
G'uv-g'uv qator arilar -
Yetib keldi qaysi go'rdan,
Eh, bu makkor arilar!

Bol yeyishni bitta ari
Qo'ydi rosa o'rniga,
So'ngra to'g'ri uchib borib
Qo'ndi qirol burniga.

Qirol jahl qilmadi ham,
Jahl nima - bilmadi:
Qo'nsa qo'nar, shunga ne g'am,
Hech arida yo'q qasdi.

Qirolmisan - tanglikni yech,
Masalani o'ylab ko'r:
Nishi bo'lgan ariga hech
Ishonasanmi, shapko'r?

Maydonlarda esar erdi
Yer yalovchi izg'irin...
Qirol uch bor aksa urdi,
Boshin silkib betinim!

Ari zahar nishin shunda
Suqib oldi alamidan.
Va o'ldirdi zumda uni -
Qirol o'tdi olamdan!

MEN HAMMADAN XAFAMAN

Men hammadan xafaman.
Afrikaga ketaman.
Oborib qo'yar meni
Yog'och toychog'im.
Hech kimni sog'inmayman.
E, sog'inib netaman?
Afrikada tushlikda
Po'rtaxol bo'lar doim.

Agar bir kun ot va men
Qolsak uyga ichikib,
Yig'lamaymiz ezilib,
Otim kishnaydi sekin.
Ustimizda porillar
Kapalak, naq kamalak,
Ertaklar aytib berar
Tushlar singari sokin.

XO'ROZ

Tong otganda, osmon yorishib biroz,
Tuman aro kuyladi bir oltin xo'roz:
"Tong tushdi tepadan aylanib donga,
Sal qoldi tushishiga jig'ildonga,
Bo'tako'zga tegmay, dumalab ketdi...
O'tloqqa o'roqchi er-xotin o'tdi".

Tong otganda, osmon yorishib biroz,
Tuman aro kuyladi bir oltin xo'roz,
Bor kuch bilan elni xabardor qildi:
"Uyg'oning, ertangiz erta ham bo'ldi!"

BAHOR QUYOSHI

Bahor quyoshi naq hushtakning o'zi,
Iliq churullaydi butun kunduzi.
Goh, viveska rasmi ishshayganiday,
Bulut mo'ylov quyosh turar indamay.

XO'RSINIQ

Yomon kitoblar uchun
O'rmon ham uvol.
Qurigan shoxlar uchun
Quyosh ham uvol.
Yovuz dengizlar uchun qayiqdar uvol.
Yomon odamlar uchun ko'zyoshlar uvol.

TO'RTLILIK

Dengiz bo'yidan topdim zarang yaprog'in,
Bu kapalak shamoldan qo'rqmadi ko'p ham.
Og'ir kunda og'ir bo'l, aziz o'rtog'im,
Ha-ha, shunday, onma-on, qadam ba qadam.

SVRATKA BO'YLARIDA

Svratka bo'ylarida ochiladi ilk gullar,
Svratka bo'ylarida o'tlar shu qadar suluv.
Shu daryoda suzganman, shunda qamrardi o'ylar
Svratka bo'ylarida sochiladi ilk gullar
Bunda qiyoqzorlardan o'tib borar loyqa suv.

Issiq yoz kunlari ham bu yerlar sarin, soya
Xuddi yotog'imdagi osig'liq rasm misol.
Taratar sarimsoq va zira islarin soya.
Issiq yoz kunlari ham bu yerlar sarin, soya
Xuddi bitta bog'chadagi... gullar ochilgan ol-ol.

Bundan uzun keng daryo ko'pdil balki dunyoda,
Svratkaning bo'ylari aslida mungli doim.
Ko'p kunim o'tgan bunda, qancha shirin asnolar...
Bundan uzun keng daryo ko'pdil balki dunyoda,
Lekin u qirg'oqlarda yurmagan mening oyim.

O'lkalar bor dunyoda, daryolari mos-moviy,
Tog'lari, ko'klarining aksini etgan zohir.
Men tug'ilgan Morava tuprog'i lekin oliy.
O'lkalar bor dunyoda, daryolari mos-moviy,
Men qayerda bo'lmayin Morava men bilandir.

Boy shaharlar bor katta, bahaybat hamda qoyim,
Vishegrad - oltinday Praganing yuragi,
Ammo mening yodimda turar qabrison doim.
Boy shaharlar bor katta, bahaybat hamda qoyim,
Brno ostida mozor, ustida oq teragi.

Svratka bo'ylarida ochiladi ilk gullar,
Jo'xori so'talari yetilar shu joylarda...
Oyi, ne qilsam qaytar ortiga sokin yillar?
Svratka bo'ylarida ochiladi ilk gullar...
Kim uzdi oramizni xosiyatsiz oylarda?

Kengroq, uzunroq daryo ko'pdil balki dunyoda
Svratkaning bo'ylari aslida mungli doim.
Siz-la birga yashasam, baxt bo'lmasdi ziyoda.
Kengroq, uzunroq daryo ko'pdil balki dunyoda,
Menga mangu azizsan, ota yurt, jon makonim.

Miraziz A'ZAM tarjimalari.

Хозирги пайтда тарихчиларимиз олдида мустақиллик даври талабларига тўла жавоб берадиган мукамал тарихни яратиб ўтмишда юз берган воқеа ва ҳодисаларни холисона баҳолаш, ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссасини намоён этишдек шарафли ва олижаноб вазифа турибди.

Юртбошимиз 1998 йилнинг 26 июнида бир гуруҳ ижодкор зиёлилар ва етакчи тарихчи-олимлар билан учрашувдаги нутқи ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган энг устувор вазифалардан бири — ўзбек халқининг келиб чиқиши этногенези ва этник тарихини теран ўрганишдан иборатдир. Бу ишни, энг аввало, мавжуд манба ва адабиётларни қайта холисона кўриб чиқишдан бошлаш лозим.

Дарҳақиқат, миллий ўзликни англашда халқ маънавиятининг теран илдиэлари ҳисобланган, тарихнинг энг муҳим тармоғи бўлган элшунослик-этнология салоҳиятли ўринга эгадир. Этнология—жаҳондаги олти миллиарддан зиёд халқ (этнос)ларнинг келиб чиқиши, (этногенези), турли ҳудудларда жойлашуви, уларнинг ўзига хос моддий ва маънавий маданияти, халқларнинг ўзаро тарихий муносабатлари ва турмуш тарзини ўрганувчи фандир.

Олимлар этнология тарихий фан эканлигини таъкидлаб, жаҳондаги барча халқларнинг катта-кичиклиги, тили, дини, ирқи, ижтимоий тараққиётдан қатъи назар тенг ва баб-баравар ўрганувчи муҳим илм соҳаси деб ҳисоблашади. Этнология этнос (халқ)ларнинг келиб чиқиши, шаклланиши ва этник таркиби, машғулоти, маданий-тарихий муносабатлари, маънавий маданияти ва миллий хусусиятларини тарихий жараён билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганади.

Хозирги даврда фанларнинг бирон-бир тармоғи йўқки, у ёндош фанлар билан узвий боғланмаган бўлсин. Этнология ҳам бундан мустасно бўлмай, халқларнинг ҳозирги даврдаги ҳаёти ўрганилганда, энг аввало, социологияга мурожаат этилади. Халқларнинг келиб чиқиш тарихи ва тараққиёти тадқиқида эса тарих ҳамда археология ютуқларига таянилади. Шунингдек, этнология тарихий антропология, полеография, нумизматика, санъатшунослик, фольклор, тилшунослик, дин тарихи, география ва биология каби фанлар билан ҳам узвий боғлиқдир. Этнологлар бирон халқнинг турмуш ва ҳаётини ўрганганда социологлар билан ҳамкорликда ишлайдилар. Социолог омманинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва фикрини ўрганса, этнолог оила маросимлари, удумлари ва рўзғор тутиш анъаналарини тадқиқ этади. Кейинги даврда этнологияга йўлдош фанлар вужудга келди: этник лингвистика, этник антропология, этник география, этнососоциология, этнопсихология ва ҳоказо. Этнолог ўтмишни тадқиқ қилар экан, архив материаллари ва музей коллекцияларига ҳам суянади.

Шунингдек, этнология ёзма манбалар, турли хужжатлар, моддий ва маънавий ашёлардан ҳам самарали фойдаланади. Мана шу хусусиятлари билан этнология тарихнинг

бошқа фанларидан тубдан фарқланади. Этнолог замонавий маълумотларни ҳар бир халқ турмуши ва ҳаётини бевосита кузатиш асосида синчиклаб ўрганиб тўплайди. Ушбу маълумотлар ёзма манбалар билан солиштирилади, қиёсланади ва теран илмий хулосалар чиқарилади. Таниқли элшунос, профессор И.Жабборовнинг таъкидлашича, дунё табиати нақадар хилма-хил бўлса, унда яшовчи аҳолининг этник тузилиши ҳам шу қадар турлитумандир. Ер юзида 3-4 минг этнос мавжуд бўлиб, ўзига хос жиҳатлари билан бир-биридан ажралиб турадиган этник бирликларнинг сони эса қарийб уч мингдан зиёддир.

Айни пайтда халқ ва элатларнинг маиший ва маданий ҳаётида вужуд-

тадқиқлайди («92 қавмли ўзбек»). Аммо кўп йиллик тадқиқотларимизга кўра, ўзбек этник гуруҳлари 300 дан зиёдни ташкил этади. Масалан, йирик ўзбек қавмлари кўнғирот, манғит, найман, қипчоқ, қангли, барлос, сарой, қатағон, дўрмон, кенегас, қутчи кабилалар ўз навбатида яна кичик этник гуруҳларга ҳам бўлинади. Бу муаммони янги манбалар асосида чуқур илмий ўрганиш этнологлар олдидаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Ўқувчилар ўзбек халқининг ўтмиш тарихи ва маданий мероси билан яқиндан таниш бўлмоқлари лозим. Акс ҳолда уларда ўз юрти ва бошқа халқлар тарихига қизиқиш уйғонмайди. Ўрта мактаблардаги кўп

ламоқ даркор. Хозир давлат университетларининг тарих факультетлари бакалаврият таълими босқичи ўқув режасида «Жаҳон этнологияси» (I-II семестр), «Ўзбек этнологияси» (III семестр), «Ўзбеклар этногенези ва этник тарихи» курси ўқитилмоқда.

Этнологиядан магистратура таълими даврида эса, тарих факультети I-II семестрда «Хорижий мамлакатлар этник тарихи», «Этнотопонимика», «Ўрта Осиё этнологиясининг долзарб масалалари», «Этнология дала тадқиқотлари усуллари», «Исломогача бўлган динлар», «Ўзбек урф-одатлари», «Ўзбекларнинг моддий маданияти», ўқув этнологик амалиёт, II семестрда эса «Этносоциологик тадқиқотлар назарияси ва амалиёти» каби курслар ўрганилиши лозим.

Сўнги йилларда Термиз ва Қарши давлат университетларида этнологияни ўқитиш ва ўрганиш соҳасида анчагина тажрибалар тўпланди. «Этнография бўйича ўқув-услубий қўлланма», «Марказий Осиё этнографияси», «Ўзбекистон тарихини ўрганишда этнография материалларидан фойдаланиш», «Этнографиядан қизиқарли савол-жавоблар», «Этнология бўйича ўқув-методик қўлланма» каби рисоалар, китоблар нашр этилди. Тўпламларда ва матбуотда кўплаб илмий-методик мақолалар босилиб чиқди. Талабалар этнология бўйича рефератлар ва битирув малакавий ишлари ёзишмоқда, ўтказилган амалиётда эса дала маълумотларини тўпламоқдалар.

Аммо Республикаимизнинг бошқа олий ўқув юртларида этнологияни ўқитиш ва илмий тадқиқотлар бўйича амалга оширилган ишларни қониқарли деб бўлмайди.

Этнология бўйича мавжуд ўзбек тилидаги санокли ўқув қўлланмалари ҳозирги истиқлол даври талабларига жавоб бермайди. Бу ноҳус аҳвол талабалар билан амалий машғулотлар ўтказиш ва уларнинг мустақил ижодий изланишларини тобора мушкуллаштирмоқда.

ЎЗМУ, Бухоро, Қарши, Термиз давлат университетларидан ташқари кўпгина олий ўқув юртлари тарих факультетларида этнологияни ўқитиш элшунос бўлмаган ўқитувчиларга топшириб қўйилган. Бу фан ўқитувчилари ўртасида эса, илмий методик ҳамкорлик алоқалари деярли ўрнатилмаган.

Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «Тарихий хотираси бор инсон иродали инсон... Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди».

Хуллас, халқимиз миллий ўзлигини англашида маънавийнинг теран илдиэларидан бири — элшунослик— этнологиянинг ўрни ниҳоятда салмоқлидир.

Сайфулло ТУРСУНОВ,
Термиз давлат университети
«Археология ва этнография»
кафедраси мудири, профессор,
Очил БҲРИЕВ,
Қарши давлат университети
«Археология ва
этнография» илмий маркази
директори.

ЭТНОЛОГИЯ ТАРИХНИ БИЛИШ ДЕМАКДИР

Маълумки, миллий ўзликни англаш мозийни ўрганишдан бошланади. Ўзини англаётган ва тушунаётган ҳар бир инсон қайси хонадонда дунёга келгани, ўз шажараси, насл-насаби, аждодлари ким бўлгани, нима билан шугуллангани ва қай тарзда умргузаронлик қилганлигини билишга қизиқади. Одам ўзи туғилиб ўсган овул, қишлоқ, шаҳар, умуман Ватаннинг тарихини англашга ройиш сезади ҳамда аждодларининг бой мероси ва олижаноб фазилатлари билан гурурланиб ҳаёт кечиради.



га келаётган барча янгилар (инновация), туб ижтимоий ўзгаришлар, турмуш тарзидаги умумий, хусусий ва бошқа энг муҳим масалаларни ўрганиш этнологиянинг долзарб масалалари ҳисобланади. Тарихий этнология эса, тобора унутилаётган халқ ва элатлар, ўтмишдаги этник жараёнлар, маиший турмуш маданияти хусусиятларини ўрганади.

Этнология олдидаги кенг ва хилма-хил масалалар мазкур фанни бошқа фанлар билан узвий боғлабгина қолмай, унинг ўзини ҳам бир қанча тармоқларга бўлиб юборади. Этногенез ва этник тарих, хўжалик ва техника халқ меъморчилиги ҳамда тасвирий санъат, урф-одат, маросимлар, ижтимоий ва оилавий ҳаёт, турар жойлар, таомлар, кийим-кечаклар, уй-рўзғор ва маиший турмуш ҳамда халқ эътиқодлари каби тармоқлар шулар жумласидандир.

Ўзбек халқи ҳам ўтмишда жуда кўп уруф-қабилалар, яъни, этник гуруҳларга бўлинган. Манбалар жами ўзбек уруғлари 92 та эканлигини

йиллик кузатишларимиз аксарият ўқувчилар халқимиз этногенези ва этнологиясининг муҳим масалалари ҳақида тўла тасаввурга эга эмаслигини кўрсатади. Бу долзарб масала ҳатто баъзи тарих фани ўқитувчиларининг эътиборидан четда қолаётгани кишини ташвишга солади. Тўғри, ўрта мактабларда Ватан тарихини ўқитишга етарли даражада ўқув соатлари ажратилган. Натижада, ўқувчиларга ўзбек халқининг тарихи ва этнологиясини кенг қўламда ўрганишга имкон туғилди, албатта. Хозирги пайтда «Ўзбек этнологияси» тарихи ихтисослашган мактаб-интернатларда ўқитилмоқда. Ҳар йили туманлар, вилоятлар ва республика миқёсида кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Ўқувчиларнинг этнология маълумотлари билан қуролланишида тарих фани ўқитувчиси асосий роль ўйнайди. Бизнингча, дастлаб ишни мутахассислар — малакали тарих фани ўқитувчилари тайёрлашни тубдан такомиллаштиришдан бош-

ЖОРЖ БУШМИ ЁКИ ЖОН КЕРРИ?



Америка Қўшма Штатларида 2 ноябрь куни давлат президентлигига сайловлар бўлиб ўтди. Чама-си сайловлардан



ярим йил олдин бошланган мунозаралар аста-секин ўз якунига етмоқда. Келаётган тўрт йилда АҚШ сиёсатини ким белгилаб беради? — деган савол барчани қизиқтирмоқда. Сайловлардан бир кун аввал ҳам республикачилар партияси вакили, амалдаги президент Жорж Буш ва демократлар вакили Жон Керрининг имкониятлари тенг баҳоланаётган эди. Бундан ташқари АҚШ вакиллар палатаси, сенаторлар, губернаторлар ва суд раислари ҳам қайта сайланади. Бу йилги сайловларда давлат ҳокимияти органларига кўплаб аёллар ўз номзодларини қўйишган. Сиёсатчи социологлар нозик қалб эгаларининг имкониятларини юқори баҳолашмоқда. Аини пайтда Америка Қўшма Штатларида 217,8 млн овоз берувчи фуқаролар истиқомат қилади.

Тадқиқотларга қараганда, сайловларда камида умумаҳоли сонининг 78 фоизи қатнашмоқчи. Шу ўринда ёшларга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки 41 млн киши 18 ёшдан 28 ёшгача бўлганлардир.

ИШСИЗЛАР СОНИ КАМАЙМОҚДА

Жорий йилнинг бошидан бери Россия Федерациясида ишсизлар сони 1 млн кишига қисқарди. Ўтган йилнинг шу вақтида кўрсаткич 6,6 млн. дан 5,5 млн. га тушди, деб изоҳ беради Россия ижтимоий ривожланиш ва соғлиқни сақлаш вазири Михаил Зурабов мамлакат президенти Владимир Путин билан бўлган учрашувда.

Ҳозирги кунда расмий рўйхатта олинган ишсизлар сони 1,7 млн кишини ташкил қилмоқда. Вазирнинг айтишича, ишсизлик мамлакатда ўртача 2,3 фоизга камайди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги. Бу йил, аиниқса, иқтисодий жабҳаларда ишлашни хоҳловчилар сони сезиларли ортди. Ойлик маош ҳам ўтган йилгига қараганда 13 фоизга кўпайган.



Дунёда эса ишсиз ёшлар сони анчагина ортган. Халқаро меҳнат ташкилоти эълон қилган маълумотларга кўра, 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган Ер кurrasининг 88 млн ёшлари ишсиз қолиб кетмоқда. Бу кўрсаткич умумжаҳон ишсизлар сонининг 47 фоизини ташкил қилади.

СУВ ҲАМ ЗАРАР БЎЛИШИ МУМКИНМИ?

Голландиялик олим, профессор Рокус Клонтнинг ўтказган тадқиқотлари шуни кўрсатдики, бир мартаба ишлатиладиган идишлардаги ичимлик суви жўмрақдан оқиб турадиган сувдан хавфлироқ бўлиши мумкин. Доктор Клонт 68 номдаги идишларда сотиладиган ва дунёнинг 16 мамлакатиде ишлаб чиқариладиган ичимлик сувларини текширувдан ўтказди. Олим ушбу ичимлик сувларини ер ости сувлари билан таққослаб кўрди. Инсон организми учун фойдали минерал сувлар, дея ёзилган идишлар ичидаги сувларда кўплаб кишилар учун зарарли бўлган бактериялар ва замбуруғлар мавжудлиги аниқланди. Унинг айтишича, бу микроорганизмлар одам учун ўта катта хавф тудирмайди, бироқ иммунитетни сустайган ва бўшашган кишилар учун муаммо яратиши мумкин, дея хабар беради "Reuters" ахборот агентлиги.



Шифокорлар кўп ҳолларда ўз мижозларига аини шу идишлардаги минерал сувларни тавсия этишади. Аммо текширувлар натижаси шуни кўрсатдики, юқорида кўрсатилган сувларнинг 40 фоизиде касал тарқатувчи бактериялар ҳаддан ташқари кўп бўлган.

Интернет манбалари асосида Сарвар САЙЁР ўғли тайёрлади.

29 октябрь куни Европа Иттифоқининг (ЕИ) рамзи ҳисобланмиш Рим шаҳрида жорий йилнинг июнь ойида қабул қилинган Конституцияни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Маълумки, 47 йил муқаддам айнан Италия пойтахтида ЕИ асосчилари томонидан Европа иқтисодий ҳамжамиятини тузиш тўғрисидаги шартнома имзоланган эди.

Ушбу маросимда ЕИнинг 25 аъзо мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари ҳамда иттифоқ аъзолигига номзод давлатларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Айтиш жоизки, аъзо давлатлар бир йилдан буён бир тўхтама келишларига Конституциянинг мураккаб тузилганлиги тўсқинлик қилаётган эди. Мазкур ҳужжатнинг дастлабки лойиҳаси 2002 йил февраль ва 2003 йил июнь ойлари ораллигида Валери Жискар д'Эстен раислигида аъзо давлатларнинг ҳукумат вакиллари иштирокида ишлаб чиқилган эди.

333 бетлик Конституция тўрт боб ва 465 моддадан иборат. Биринчи бўлим, иттифоқнинг кадр-қиммати, мақсади, мажбурияти, қарор чиқариш усули ва иттифоқ муассасаларини аниқлаб беради. 2000 йил Ниццада қабул қилинган Асосий ҳуқуқлар хартияси иккинчи бўлимдан жой олган, учинчи бўлим эса дунё сиёсат майдонида

ҳаракатланиш тартибини белгилаб беради, сўнгги қисмда Конституцияга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги имкониятлар ўрин эгаллайди.

2007 йилда тўла кучга киритилгандан сўнг Конституция Европа иттифоқининг 450 млн. аҳолиси учун мажбурий ҳисобланади. Бироқ ушбу муддатгача мазкур умумевропа ҳужжати ЕИ аъзолари томонидан ратификация қилиниши лозим. Бу жараён 25 давлат орасида турли кўринишда амалга оширилади.

қонуни шаклланиш жараёнининг бошланиши эканини таъкидлади. Германия канцлери Герхард Шрёдернинг таърифича, Конституцияни қабул қилинганлиги ЕИда тарихий сана бўлиб қолади.

Конституция қабул қилиниши билан Иттифоқ органилари - Европа парламенти, Вазирлар Кенгаши, Европа Комиссияси, Европа Олий суди ва Европа Ҳисоб палатаси фаолияти янгитдан тартибга солинади.

Шунингдек, иттифоқ

ган Кенгаш президентлиги тизими ўзгартирилади. Вазирлар кенгаши учрашуварларида бошқарув гуруҳи ҳар 6 ойда эмас, балки 18 ойда алмашади.

Европа Ташқи ишлар вазири ваколати аини пайтдаги "умумий ташқи ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакилик" вазифасига нисбатан анча юқори бўлади. Ушбу лавозимни эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида Европа Комиссиясининг ташқи сиёсати учун масъул вице-президент вазифасини ҳам бажаради. Бу билан ЕИ Вазирлар Кенгаши ва Комиссияси ўртасидаги узвий боғлиқлик йўлга қўйилади. Келгусидаги Европа ташқи ишлар вазири Ташқи ишлар вазирлари кенгашида раислик қилади - бу эса унинг ваколатларини янада кенгайтиради.


ЕИ Комиссияси комиссарлари таркиби борасида ҳам аҳолиси кам аъзо давлатлар билан муроасага келинди. Ҳукуматлараро конференцияда "бир давлат-битта номзод" тамойилини олдинга сураётган давлатлар Европа Комиссияси аъзолари сонини чеклашга қаратилган лойиҳа юзасидан бўлиб ўтган мунозарада ўз сўзларини ўтказишга муваффақ бўлдилар. 2014 йилдан бошлаб иттифоқ Комиссияси комиссарлари сонини 25 тадан 18 тага қисқартириш кутилмоқда.

Баҳриддин АСЛАНОВ, "Жаҳон" АА

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КОНСТИТУЦИЯСИ ИМЗОЛАНДИ

ди. Масалан, Германияда уни Бундестаг ва Бундесратнинг қарори билан ратификация қилиш мўлжалланган. Буюк Британия, Франция, Испания, Португалия, Ирландия, Дания, Люксембург, Польша, Чехия, Литва, Нидерландия ва Бельгия каби қатор давлатларда эса мазкур масала юзасидан референдум ўтказиш кўзда тутилган. ЕИнинг ҳозирдаги раиси Нидерландия бош вазири Ян Петер Балкененде Конституциянинг имзоланиши ЕИ

микёсида учта раҳбарлик лавозими жорий этилади - Европа ҳукумати раиси, унинг муовини даражасидаги ташқи ишлар вазири ва икки ярим йилга қўшимча яна бир муддатга сайланиш имконияти билан Европа Кенгаши раиси. Кенгаш раиси ҳар уч ойда бўлиб ўтадиган давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашуварини тайёрлайди ҳамда кенгашларда раислик қилади. Бу билан ҳозирги кунда аъзо давлатларининг алмашилиб келади-



БМТ ХОДИМЛАРИ ГАРОВГА ОЛИНДИ

Мудофаа вазири вакили, генерал Зоҳир Азимийнинг айтишича, агар "ичкаридан" ёрдам бўлмаса, уларни гаровга олиш мумкин эмас эди. Ўзларини "Мусулмон армияси" деб атаган гуруҳ агар ҳибсга олинган "Ал-қоида" вакиллари ва толиблар озод этилмаса, БМТ ходимлари ўлдирилади, деб таҳдид этмоқда. Ультиматум муддати шу ҳафтанинг жума кунигача. Бу ҳақда генерал Азимий, жумладан, шундай деди: "Дастлаб улар чоршанбагача муҳлат қўйди. Энди муддат жумагача узайтирилди. Гаровга олинганлар Косово, Шимолий Ирландия ва Филиппиндан Афғонистонга ишлаш учун келган чет элликлардир".

Афғонистон ҳукумати уч БМТ ходимининг ўғирланишида ҳукумат хизматчиларининг қўли бор деб ҳисобламоқда. Ҳозир ҳукумат хизматчилари ўртасида текширув ишлари олиб борилмоқда. Афғонистон

ЁСИР АРОФАТ ПАРИЖДА ДАВОЛАНМОҚДА

Фаластин ҳукумати етакчиси Ёсир Арофат Парижда тиббий текширувдан ўтказилмоқда. Ёсир Арофат оқсон хасталигига чалинган деган тахмин тасдиғини топмади, энди врачлар унинг соғлиги ёмонлашувида вирусли инфекция сабаб бўлмади, деган ташхисга ойдинлик киритишга ҳаракат қилмоқда. Текширувнинг якуний натижалари бугун маълум қилинади. Фаластин етакчисининг Францияга келган яқин кишилари у ўзини нисбатан яхши ҳис

қилаётганини айтмоқда. "Арофатнинг аҳоли яхшиланаётганидан врачлар



ҳам хурсанд. У кўпроқ овқат еб, нисбатан фаолроқ ҳаракат қилапти, атрофидагилар билан гаплашаяпти".

Интернет хабарлари асосида Матлуба Ёкубова тайёрлади.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик ва педагогик ташхис Республика Маркази жамоаси кадрлар бўлимининг бошлиғи Арипова Шоирахонга волидаи муҳтарамаси
ХУРИНИСО аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректорати, касаб-ушмаси кўмитаси, профессор ўқитувчилар жамоаси юридик бўлими бошлиғи Муратова Умида опанинг отаси
Кўркмас АБДУЛЛАЕВнинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамда қариндошларига таъзия билдиради.

"Маърифат" газетаси жамоаси Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаб-ушмаси Марказий кўмитасининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими бош мутахассиси, газета таҳрир ҳайъати аъзоси Юлдош Аҳмедовга турмуш ўртоғи
Саида АЛИКУЛОВанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназияси жамоаси гимназия ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди, доцент
Кўркмас АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимлиги томонидан Артиқов Носир Восиқович номига берилган хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқини тасдиқловчи юмалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сочлари оқарган, нуроний етакчи, 69 ёшни қоралаган устоз юзида ним табассум ила мактаб ҳаёти билан таништилади: — Тумандаги отахон илм масканимизнинг ўз шиори, ўз посбонлари ва музейи бор. Даргоҳимизнинг илк қалдирғочларининг ёши тўқсондан ошган, демек мактаб 84 йилдан буён мунис бағрига ўқувчиларни чорлайди... Миллий қадриятларни эъозлашни ҳар бир ўқувчи ҳис этмоғи, урф-одатларни авайлашни ўрганмоғи учун болалар ўзларининг еттита авлодини ўрганадилар.

50, 60 йиллик учрашувлари, дийдорлашув дамларини ҳам ўтказиб турадиз. Бир-бирлари билан қувончдан кўзларида ёш билан кўришган, бугун сочлари қув оқарган бобо-ю момоларнинг хотиралари бир олам...

84 йиллик тарихни бағрига сингдирган ўқув даргоҳида мактаб посбонлари фаолияти йўлга қўйилган. Хўш, уларнинг вазифалари нималардан иборат?

— Жами 40 нафар — 30 ўғил, 10 қиз боладан иборат бўлган "Мактаб посбонлари" аъзола-

фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади. Меҳнат интизомига қатъий риоя қилинади. Отахон мактабнинг бундай эзгу таърибалари вилоят мактабларида оммалаштирилган. 8 йўналиш бўйича 30 тўғарақда ўқувчилар мунтазам шуғулланишади. Зеро, ўқувчи ҳеч қачон бекор қолмаслиги даркор.

Ўқув масканида кўп йиллар меҳнат қилиб нафақага чиққан кекса педагог Санамжон Раззоқова ҳар ойда ўз шахсий нафақасидан 2 минг сўмни мактаб фондига ўтказди. Иқти-

АССИСТЕНТЛИКДАН ПРОФЕССОРЛИККАЧА

Илм чўққиларини эгаллаш орзуси Тўлқинжонда Тошкент давлат университетининг биология-тупроқ-шунослик факультетида таҳсил олган йиллари тутилган. Бу борадаги илк қадамларни университетнинг "Ўсимликлар физиологияси" кафедрасида ассистент бўлиб ишлаган кезлари қўя бошлади.

Ўзбекистон

Фанлар академияси ўсимликлар экспериментал биологияси институтини кундузги аспирантурани ўташ давомида ёш олим ўзининг илм йўналишини белгилаб олди ва танлаган соҳаси бўйича яхши натижаларга эришиб, таниқли олимлар эътиборига тушди. Устози Раҳим Раҳмонов раҳбарлигида пахта чигити таркибидаги мой миқдорини ошириш ва сифатини яхшилаш мавзусида илмий изланишлар олиб борди. Дунёнинг турли минтақаларида ўсувчи 300 га яқин фўза турлари чигити таркибидаги мой миқдори ва сифатини ўрганди, таққослади, таҳлил қилди. Изланишлари ўз самарасини бериб, хулосалари амалий тақлифлари асосида 1972 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Т.Топволдиевнинг Андижон қишлоқ хўжалиги институтини иш бошлаганига ҳам ўттиз йилча бўлди. Бу ерда ҳам ёшларга таълим бериш билан бирга илмий изланишларини давом эттирди. Фўза чигитидаги мойларнинг миқдори ва сифатини, ўзгарувчанлик

қонуниятларини, газ хроматографияси жиҳози ёрдамида ўрганди. 1994 йилда "Фўза чигити таркибининг липидлари ва уларнинг ўзгаришига баъзи бир омилларнинг таъсири" мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. Шунингдек, компьютерни пухта ўзлаштириб, турли дастур-

лар яратди. Унинг "Тест-Т"

номли дастуридан институтда талабалар билимини баҳолашда фойдаланилмоқда. Ўз соҳаси бўйича хорижда чоп этилган илмий ишлар билан танишиб боришда инглиз тилини пухта ўрганиши кўл келмоқда. Халқаро ҳамда минтақавий илмий анжуманларда маърузалар билан қатнашаётир.

Профессор Т.Топволдиев бошқариб келаётган "Пахтачилик, генетика, селекция ва ипакчилик" кафедраси олимлари фўзанинг янги, тезпишар ҳосилдор толаси технологик кўрсаткичлари бўйича юқори навларни яратиш, уларни синаш, ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш бўйича изланишяпти. Тадқиқотларнинг долзарблиги, амалий аҳамияти ҳисобга олиниб, унга грант ажратилди.

Изланувчан олим Тўлқинжон Топволдиев ўз меҳнатининг самарасини етук ва баркамол шогирдлари тимсолида кўришни истайди. Шунинг учун ҳам уни кўпинча талабалар ва аспирантлар даврасида кўрасиз.

Ҳ.СИДДИКОВ,
О.СИДДИКОВ

ИНСОННИНГ ҚИММАТИ — ИЛМ ҲАМ ҲУНАР

Бобоси, отаси ким, асли қаерлик, қандай вазифаларда меҳнат қилишган? Ўқувчилар шу саволлар бўйича шажаралари ҳақида баён ёзадилар. Бу — танлов асосида ўтказилади. Энг кўп балл тўплаган ўқувчилар ҳомийимиз — "Ҳазораспавдо" томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Директор Ботир Раҳимовнинг сўзларидан кўнглим равшанлашади. Қадриятларга ҳурмат, тарихга эътибор бўлган жойда миллат ниҳоллари улғаяди.

Мактабда тарих музейи ташкил қилинган. Даргоҳнинг 80 йиллигида асос солинган, асори-атикалар сақланган хонада ўқув масканини тугатган минг нафардан зиёд собиқ ўқувчиларнинг — 55 нафар олим, 50 нафар фан номзоди, 5 нафар фан доктори бўлган инсонларнинг суратлари бор. 1940-1950 йилдан то шу кунгача ўқув масканини тугатиб кетган ўқувчиларнинг, директор ва ўқитувчиларнинг суратлари бир дунё хотираларни бағрига босганча сокинлик бағрида турибди.

— Бир пайтлар мактабдан учирма бўлган ўғил-қизларнинг

рининг муваффақиятларидан кўпчилик мамнун, — дейди "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси, физика фани муаллимаси Бекпошша Вафоева. — Худуддаги ёлғиз яшаётган кексалар, бева аёллар холидан хабар олишади. Зарур бўлганда ёрдам беришади. Ўтин ёришми, боғ-томорқа ишларини қараб ўтиришмайди. Шунингдек, мактаб худудига беғоналарни киритмайдилар. Бирорта ўқувчи сабабсиз дарс қолдирса, дарҳол ундан хабар олишади. Учинчи соатда посбонларнинг ўзлари синфларга кириб давомат олади. Ш.Абдуллаев, Д.Қурбонов, Б.Ваисов, О.Бобононов, Ф.Матжонов, Г.Исмоиловларнинг бажараётган ишларидан ота-оналар ҳам хурсанд бўлишмоқда.

Юқори синф ўқувчиларидан тузилган посбонларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мактабимизда кўча-кўйда саёқ юрадиган, интизомсиз ўқувчилар умуман учрамайди. Мактаб посбонлари чиройли қилиб ишланган махсус нишонни тақиб юришади.

Ўқув масканида дарс мазмунига яхши эътибор берилди. Ўзбек тили, рус тили, кимё

дорли, жамоатчи ўқувчилар бундай хайрия пулларида рағбатлантириб борилади. Мазкур даргоҳда "ЮНЕСКО" болалари гуруҳига 100 нафар ўқувчи аъзо бўлган. Гуруҳнинг асосий мақсади — чет эллик ёшлар ҳаёти билан яқиндан танишиш. Гуруҳ аъзолари тенгдошлари билан хат ёзишиб туришади. Дунё мамлакатлари ҳақида ҳар бир бўла яхши тушунчага эга. Чунки "ЮНЕСКО болалари"нинг махсус альбомидида ҳар бир давлатнинг герби, байроғи, мадҳияси, тарихи, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўрни, маданияти, Ўзбекистон билан алоқалари хусусида маълумотлар бор.

Ҳазорасп туманидаги 1-мактабда ана шундай аҳамиятга молик бўлган янгиликлар, изланишлар бисёр.

Халқ таълими аълочиси, "Меҳнат шўхрати" ордени нишондори Ботир Раҳимов ўзи раҳбарлик қилаётган мактаб, аҳил жамоа, иқтидорли ўқувчилар ҳақида завқланиб соатлаб гапиради. Бу завқланиш ҳисси меҳнат ордидан келади-ган роҳатдек азиз!

Феруза
ТАНГРИБЕРГАНОВА

Устоз, мураббийлар ҳақида бир оғиз сўз айтиш илинжида қўлимга қоғоз-қалам олар эканман, ўйланиб қолдим. Қандай киши устоз деган мўътабар номга лойиқ ёхуд мен кимни устоз деб аташим мумкин?

Илк бор мактабга борган куним қўлимдан ушлаб, синфга олиб кирган, қалам тутқазиб, ёзишни ўргатган ўқитувчи менга устозми ёки университетни тугатиш арафасида битирув ишимга раҳбарлик қилган домлами? Ўқув амалиётига қатнаб юрган вақтимда мақола ёзиш йўл-йўриқларини ўргатган, биринчи мақолам билан табриклаган журналист устозим эмасми? Сизнинг хаёлингиздан ўтганидек, мен учун ҳам-малари устоз. Ўз вазифаларини астойдил бажариб, шогирдлар камолидан хурсанд бўлгучи барча устозлар

қатори биринчи ўқитувчим, домлам, соҳамизнинг жонқуяр вакили — уларнинг барчаси мен учун бирдек азиз устоздир.

Ҳаётга мустақил қадам ташлар экансан, ҳар онда ҳадиксирайсан: "Нотўғри қилмаёпманми, кейин афсусланмайманми?"

Абдукарим Усмон

ВАҚТ ВА ИНСОН УМРИ

хў-жаевни илк бор кўрган, "Ёши улғу киши экан, ёшларни тушунармикан?", деган хаёлга боргандим. Гарчи соҳам бўлса-да, йўналиш мен учун анги эди. Дастлаб тиббиётни тушуниш қийин бўлди. Аммо қийинчиликнинг кўп қисмини устоз ўзла-

фаолият фаолият юритади.

Абдукарим акани бирор кун, ҳатто бирор соат бекор ўтирганларини кўрмаганмиз. Жамоа орасида бежиз уларни "Вақтини жиловлаган устоз", дейишмайди.

"Саломатлик ва навқиронликка йўл", "Русча-лотинча-ўзбекча тиббий терминлар луғати", "Руҳиятни соғломлаштириш усуллари", "Эзгуликка интилиб", "Дорисиз қалб давоси" каби қатор китоблар муаллифи.

Инсон умрининг боқий эмаслигини, ундан қоладигани фақат унинг солиҳ фарзандлари, ишини давом эттиргувчи шогирдлари ва ёзган китоблари эканлигини инобатга олсак, устозга яна бир қарра ҳавас қиламиз.

Феруза ҚУВОНОВА,
журналист

А.Авлоний номидаги Халқ таълими ҳодимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти Аспирантурага 2004 йил учун қабул ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда:

13.00.01 — педагогика тарихи ва назарияси (малака ошириш йўналиши) бўйича.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун А.Авлоний номидаги Халқ таълими ҳодимларини малакасини ошириш Марказий институти аспирантура бўлимига (тел: 46-06-69), илмий ишлар бўйича проректорга (46-06-68) мурожаат этиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент — 095 Саидов кўчаси 6-уй.

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг шу йил 23 октябрь сониди Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги томонидан ўқув фанлар бўйича дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларни такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида яратиш мақсадида эълон қилинган танлов матнидаги 6-синф учун қисми 2-хат бошиси қуйидагича тузатиб ўқилсин.:

6-синф учун:

«Она тили» ва «Адабиёт» (таълим қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик тилларида олиб бориладиган мактаблар учун);

7-синф учун қисмининг 3-хат бошиси қуйидагича тузатиб ўқилсин:

7-синф учун:

«Она тили» ва «Адабиёт» (таълим қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик тилларида олиб бориладиган мактаблар учун);

ОСИЁДА ИККИНЧИ

Октябрь ойининг иккинчи ярми давомида ишқибозлар нигоҳи Калвия шаҳрида (Испания) ўтказилган шахмат бўйича XXXVI жаҳон олимпиадасига қаратилди, десак муболага бўлмайди. Эраклар ўртасидаги беллашувларда 129 давлат терма жамоаси, аёллар баҳсида саксон етти мамлакат вакиллари иштирок этган мусобақалар якунланди.

Энг сўнгги турда терма жамоамиз вакиллари швейцариялик шахматчиларга қарши дона суриб, 2:2 ҳисобини қайд этди.

Аёллар ўртасидаги беллашувларда шахматчиларимиз олимпиадани чиройли ғалаба билан якунлади. Улар, Эквадор устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ўзбекистон терма жамоаси Тоҳир Воҳидов бош Мураббийлигида анча муваффақиятга эришди. Эраклар терма жамоаси таркибида Темур Гареев энг кўп - саккиз очко жамғарди. У ўн бир партиядан олтитасида ғолиб бўлиб, тўртта дуранг ва бир мағлубият билан чемпионатни якунлади. Мусобақалар давомида муҳлису мутахассислар амалдаги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновнинг ўйинини алоҳида иштиёқ билан кузатди. Гарчи Рустам атиги саккиз партия ўйин ўтказган бўлса-да, терма жамоаси аъзолари орасида мағлубиятга учрамаган ягона шахматчи бўлди. Қисқаси, Ўзбекистон терма жамоаси 32 очко билан 129 мамлакат терма жамоаси орасида ўн тўртинчи ўринни, МДХ вакиллари орасида тўртинчи ўринни эгаллади. Осие мамлакатлари орасида эса иккинчи бўлди. Турнирнинг аёллар ўртасидаги баҳсларида терма жамоамиз 22,5 очко билан 32-погонани эгаллади.

Шаҳрисабз шаҳрида кураш бўйича ёшлар ўртасида III жаҳон биринчилиги, белбоғ кураши бўйича биринчи жаҳон чемпионати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти соvrини учун Амир Темур хотирасига бағишланган IV халқаро турнир якунланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Кураш халқаро ассоциацияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур мусобақаларнинг ёпилиш маросимида Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги А.Азизхўжаев



иштирок этди. Беш қитъанинг қирққа яқин юртидан келган юздан зиёд полвон ғолиблик учун бел олишди. Ўзбекистон Президенти соvrини учун Амир Темур хотирасига бағишлаб ўтказилган кураш бўйича IV халқаро турнир Эрон, Туркия, Афғонистон, Бразилия, Польша, Мўғулистон, Туркманистон ва Тожикистондан келган полвонларнинг бош соvrинга даъвогарлик қилгани боис, жуда қизғин кечди. Ҳамюртимиз, Абдулла Тангриев барча рақибларини доғда қолдириб, Президент соvrини - ўн минг АҚШ долларини қўлга киритди. Иккинчи ўрин бразилиялик Карлос Хоноратога, учинчи




АБДУЛЛАГА ЎН МИНГ ДОЛЛАР

ўрин ўзбек полвони Рамзиддин Саидов ва эронлик Нежад Хусравийга насиб этди. Ёшлар ўртасида кураш бўйича III жаҳон биринчилигининг саралаш баҳсларида беш вазн тоифасида йигитлар ва тўрт вазнда қизлар гиламга чикдилар.

Ҳамюртларимиз Шуҳрат Ражабов, Хуршид Набиев, Алишер Курёзов, Румия Шайхудинова, Дилшода Ҳазратова олтин медални қўлга киритди.

Белбоғли кураш бўйича ўтган би-



ринчи жаҳон чемпионати мусобақаларида ҳамюртимиз Дилмурод Рўзиев биринчи ўринни эгаллади.

«НАСАФ»- «АНДИЖОН»- 8:1

XIII миллий чемпионатнинг олий лигасидаги йигирма учинчи тур учрашувлари қутилмаган натижаларга бой бўлди. «Навбахор» ҳамда «Нефтчи» учрашувининг - 1:1 ҳисобида якунланиши «Насаф» га жуда қўл келди. Ўз майдонида чемпионатнинг олий лигасидан муқим жой олган, лекин ўртаимёналикдан қутула олмай келаётган «Андиджон»ни 8:1 ҳисобида мағлуб этган қашқадарёликлар соvrинли ўринлар учун курашни давом эттирадиган бўлди. Ушбу учрашувда З.Холмуродов тўртта гол муаллифи бўлди. Бу натижа тўпурарлар жадвалига ҳам ўзгартириш киритди. «Навбахор» ҳужумчиси Ш.Мирхолдиршоев 23 та гол билан жадвали бошқариб бормоқда. Сўнгги икки ўйинда рақиблар дарвозасини етти маротаба нишонга олган З.Холмуродов 21 та гол билан иккинчи ўринга чиқиб олди. Учинчи ўриндаги У.Исоқов ҳисобида 17 гол бор.

«Трактор» ҳамда «Локомотив» жамоалари ўртасидаги беллашув бешинчи ўрин тақдирини деярли ҳал қилиб қўйди. «Трактор» рақибини 3:1 ҳисобида мағлуб этиб, бешинчи ўринни эгаллади. Олий лигада қолиш учун курашаётган «Самарқанд-Динамо» ва «Машъал» (Муборак)ни 1:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Бошқа баҳслар қуйидагича якунланди: «Сўғдиёна» - «Металлург» 1:0, «Бухоро» - «Сурхон» 3:1.

«Пахтакор» 59 очко билан пешқадамлик қилаётган бўлса, «Навбахор» ҳамда «Насаф» бронза медал учун курашади. «Андиджон» жамоаси эса, олий лига билан илк бор хайрлашади.

О.СУЛАЙМОНОВ тайёрлади.

Дам олиш куни эди. Даврон отасига дилини очди. Спорт майдончасига қатнаётганини айтди. У ўғлини тўғри тушунди ва мақсад сари саъй-ҳаракатларида омад тилади. Даврон машғулотларни кузатиш учун сеvimли манзили томон қадамни жадаллаштирди. Мураббий ҳам худди уни қарши олаётгандек: «Келдингизми, Давронбек!» деди. У бундай бўлишини мутлақо кутмаганди. Бир зум донг қотиб қолди: «Мени қаердан билади?» Машғулотдан сўнг мураббий уни яқинда турган ўриндиққа таклиф этди. Унга самимий нигоҳ билан тикилиб деди: «Сўраб-суриштирдим, оғайни, ёнимиздаги мактабнинг саккизинчи синфида ўқир экансиз. Баҳоларингиз ҳам яхши. Спортнинг бу турига қизиқишингизни синф раҳбарингиздан билиб олдим. Иштиёқ бўлса, машқларни бошлаб юборишингиз мумкин».

Давронбек машғулотга тайёр эди. Рамзий рингга чиқиб, билганларини қойил қилиб намойиш этди. Икки қўлини ерга қадаб оёқларини юқорига кўтарди. Қўлида югураётгандек ҳаракат қилди. Тўхтаб, бир қўлда гавдасини ушлаб турди. Сўнгра бошқа қўлида туриб, ҳаракатларини бирин-кетин давом эттирди. Сакраганича оёққа турди. Сўнггида устозига таъзим бажо келтирди. У шогирдининг дастлабки натижаларидан қониқиш ҳосил қилди. Давроннинг тенқурларига нисбатан ўзгача уринишлари ва дастлабки натижалари Ёдгорбекда алоҳида қизиқиш уйғотди. Ўзича: «Бу болақайдан кўп

нарсани кутса бўлади» деб қўйди. Орадан бир неча ҳафта ўтар-ўтмас барча топшириқларни юқори даражада бажаргани учун устози унга чарм қўлқопни узатди.

— Бу мендан совға, - деди самимий оҳангда. — Ўктам ака менга совға қилгандилар. Энди сизники.

Меҳр билан Давроннинг ел-

Учрашувнинг ўттизинчи сониясидаёқ чап қўли билан рақибининг бошига зарба тушириб, йиқитди. Давронбек энди асосий мусобақага астойдил тайёргарлик кўришни ва зиммасида улкан масъулият борлигини ҳис этиб, ўз устида ишларни фаоллаштирарди.

Биринчи гуруҳ мусобақаларидаги беллашувда Даврон-

келди. Бу гал ғолиб чиқса хорижда бўладиган халқаро мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Ҳаяжонли дамлар ҳам етиб келди. Енгил вазндаги спортчилар ўртасида ғолибликни аниқлаш мусобақаси иштирокчилари навқирон Навоий шаҳрига тўпландилар. Куръа ташланиб, рақиблар жуфтлиги

МАШҚ ВА ҒАЛАБА НАШИДАСИ

Бокс бўйича Ўзбекистон биринчилигининг уч марта ғолиби, Тошкент, Боку ва Бухарест шаҳарларида ўтказилган Халқаро мусобақалар соvrиндори Орзубек Шоимовга бағишлайман

касига қоқиб қўйди ва ҳазиллашган бўлди. Ёдгор қутилмаган ҳаракат билан қўл чўзган эди, Даврон дарров сергак тортиб, ўзини ҳимояга олди. Унинг ҳозиржавоблиги устозини яна бир карра шод этди.

Унинг вазнидагилар ўртасидаги мусобақалар бошланиб кетди. Ўн икки нафар боксчи орасидан ғолиблар аста-секин аниқлана бошланди. Қисқа муддат ичида Даврон ҳам ўзини кўрсатди. Шаҳар биринчилиги мусобақаларига йўлланма унга насиб этди. Устози Давронбекка чап қўлига кўпроқ эътибор бериш кераклигини уқтирди. Бу ўринда шошмаслигини айтиб, камдан-кам боксчилар чап қўл билан кучли зарба беришларини таъкидлади.

бекка тенг келадигани чиқмади. Пировардида, вилоят биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ўсмирлар ўртасида енгил вазн бўйича республика мусобақаларига тайёргарлик бошланиб кетди. Давронбек энди таътилга чиққан дамлар эди. Бу ёғи ҳам ўнгидан келди. Вақт тигиз бўлишига қарамай, у машқ қилишни бир зум бўлса-да тўхтатмасди. Мураббийси ҳам унга алоҳида эътиборини қаратиб, тонгдан то шомгача у билан шуғулланиб, бу соҳанинг сир-асрорларини астойдил ўргатарди. Баъзи камчиликларини ҳамкорликда бартараф этишга ҳаракат қиларди.

Масъулиятли дамлар етиб

аниқланди. Рингда Даврон ажойиб ҳаракат усулларини ишга солиб, бутун маҳоратини намойиш этди. Рақибини нокаут ҳолатига туширди ва муддатидан олдин ғолиб чиқиб ҳаммани қойил қолдирди.

Мусобақанинг сўнгги дамлари. Давронбекнинг қош усти шилиниб, шикастланганди. Мураббийси анча безовта ва ҳаяжонда. Давронбек устозининг ҳолатини дилдан ҳис этиб унга таскин бериш имконини изларди. Имконини қилиб, устозига яқинлашишнинг иложини топди. «Устоз, асло ташвиш тортманг, рақибни шикастланган жойга мутлақо яқинлаштирмайман» дейишга улгурди. Ҳа, мураббийнинг шогирдига ишончи кучли эди. Давронбек

Bolalar sporti

кам гапиради, лекин ҳар бир айтган гапининг устидан чиқади. Мураббий хаёлда унга омад тилаганча жангни хотиржам кузатишга ҳаракат қилди.

Бонг урилди. Ҳал қилувчи жанг бошланди. Ҳамманинг эътибори рингдаги жасур ўғлонларда. Давронбек ўзининг машқ пайтидаги ноёб зарба усулларини ишга солди. Рақибини чалғитиб бир зумда гангитиб қўйди. Барча хайратда, чапақайнинг «иши» ўнгидан келаётганди. Мураббийси бақирганича унга далда бериб, шодлигини яширолмади. Жанг охиригача бормади. Олтинчи раундда ҳакам жангни тўхтатди. Рақиб нокаут ҳолатида... Бир... Икки... барчаси равшан — ғолиб Давронбек!..

Ёдгорбек ҳам шогирдига қарар экан «Биз ҳам ваъдада турибмиз» деган маънони аналлатди:

— Қадимий шаҳар — Бухорога борамиз, айланамиз, зиёратгоҳ жойларида бўламиз, суратга тушамиз, - деди ҳаяжонини яширолмади.

Давронбекни кучоғига олиб, ғалабаси билан яна бир бор қутлади.

Давронбекнинг ҳаётдан ва шундай устози борлигидан мамнунлиги чарақлаган кўзларида шундай акс этиб турарди. Янги ва ёрқин ғалабалар ҳали олдинда эди...

Зоирбек АМИРАЕВ,
Гулистон шаҳридаги
10-мактабнинг олий тоифали
ўқитувчиси

Bilib qo'ygan yaxshi

Наботот олами нафақат инсониятга покиза ҳаво, озиқ-овқат бўлувчи неъматлар манбаи балки сўлим гўшалар, диловар масканлар яратади, хўжалик ва қурилиш воситаси бўлиб хизмат қилади, дилни ёриштирадиган, кўзга завқ бериб, ишқ нашидаси уйғотадиган кўркем манзара яратади, кийинтиради, кези келганда дардингизга эм бўлиб, дармон бағишлайди. Шундай даво ўсимликлардан, хонадонингизда ўсадиган алоэ

да, битмайдиган яраларда, иллатли жароҳатларда, хўшпоз, чипқон, газақли яраларда алоэ шарбатидан фойдаланилади. Бунинг учун жароҳатланган жойларга бўктирилган боғлама қўйилади, ювилади. Бошидан оғир хасталикларни ўтказган, тинка мадори қуриган кишиларга қувватбахш, даволоччи омил сифатида алоэ тавсия этилади. Бунинг учун ўсимликнинг пастки семиз, гўштдор барглари олиниб, яхшилаб қайнатиб совутилган

ЎЙ ШАРБАТИДА ТАБОБАТ

ўсимлиги ҳақида шифокорлар шундай дейдилар: «Алоэ ўсимлигининг янги шарбати меъда яллиғлинишларида (гастритлар) ҳамда сурункали қабзиятда, ижобий натижа беради. Бунинг учун алоэ шарбатидан 1 чой қошиқ миқдорда кунига 2—3 маҳал овқатланишдан ярим соат олдин ичилади. Мабодо қўл териси кесилса ёки жароҳатланса, унда бир бўлакча алоэ баргидан олиниб, кесик тарафи билан азиятланган жойга қўйилади. Алоэ шарбати тажовузкор бактерияларга, айниқса, йиринглайдиган юқумли хасталикларни чақирувчи стрептококларга қирғин келтиради. Шу боисдан кенг қўламда куйган-

сув билан ювилади-да, ўткир пичоқ билан майдалаб кесилади. Шундан сўнг доза воситасида ёки сиқувчи мослама билан шарбат ажратилади. Алоэ шарбатидан 100 г, ёнғоқ мағзидан 500 г, асл асадан 300 г, 3—4 дона лимон шарбати олиниб аралаштирилади. Ундан кунига 3 маҳал бир чой қошиқдан овқатланишдан ярим соат олдин ичилади. Алоэ билан ўпка силлини даволашда қуйдагича тадбир қўрилади. Олоэнинг янги шарбатидан 15 г, сариеғдан 100 г, асл асадан 100 г, какао кукундан 100 г олиб обдон аралаштирилади. Ундан кунига икки марта ош қошиқ воситасида қайноқ сут билан ичилади. **С.ХАСАНОВА тайёрлади.**

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБУСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ!

XI аср бошида Буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний сайёрамиз думалоқ шаклда эканлиги ҳақидаги кашфиётни инсониятга тақдим этган эди. Минг йиллик танаффусдан сўнг бизнинг корхонамиз ҳамюртларимизга ўз миллий тилимиздаги илк глобусларни тақдим этиш бахтига муяссар бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги «Картография» илмий ишлаб чиқариш корхонасида нашр қилинган харита асосида ишлаб чиқарилган бежирим, сифатли, барча илмий талабларга жавоб берадиган лотин имлосидаги сиёсий-маъмурий глобуслар (масштаб-1:50.000.000) тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи корхонадан пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ГЛОБУС ТАГЛИГИДАН

1. Сайёрамиз ҳақидаги умумий таъриф;
2. Дунё аҳолиси;
3. Жаҳон макрохудоудлари ва экология;
4. Ирқ ва динлар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Геофизика кўргони, 43-йўналишли микроавтобуснинг сўнгги бекати
Тел: 8-371-155-24-63, 161-34-68, 330-34-68. Факс: 64-08-15
Хусусий тадбиркор «Исроилов Дилмурод Зокирович»

МЧЖ «МУЗАННІВ-РАССОМ»

Тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари учун зарур бўлган геометрик шака ва гипсли розеткалар, турли мева ва сабзавотлар шамли муляжи, ҳайкал ва унинг бўлаклари, рангли грапировка (матю)лари, расм ва чизмачилик дастгоҳлари (мольберт)ни тавсия этади.

Буюртма бўйича бюстлар тайёрлайди.

Тўлов шакли пул ўтказиш ёки нақд пул орқали амалга оширилади.

Манзил: Қушбеги маззеси, 11-а.
Телефонлар: 50-32-72, 54-80-13, 108-86-74.

Xullas...

«АРЗАНДА» 28 ЁШДА

Мушукларнинг қанча умр кўриши ҳам ёлғиз яратганга аён. Ҳар қалай улар 60—70 йил ҳаёт кечирмаслиги аниқ. Уларнинг 28 ёшга кириши эса, чинакам шов-шув. Бунга Алла Елникова деган хонимнинг «арзандаси» мушарраф бўлди.

«Муся» лақабли бу жониворнинг ахволи ҳақида тегишли ташкилотга ахборот берган Алла Елникова хурсандчилигини яшира олмасди. Мушукнинг тишлари аллақачон қолмаган, аммо ўзини яхши ҳис қиляпти. Телевизор орқали табиат ҳақидаги кўрсатувлар берилса, жонивор экрандан кўзини узмайди. Агар у ерда қушлар кўришиб қолса, «Муся» дарҳол «ов» қилишга киришади. Аммо унинг учун энг севимли машғулот ойнадан кўчага қараб ўтириш. Ҳар сафар бештадан кам бўлмаган 30 маротаба бола туққан Алланинг бу кўп йиллик эрмаги энди сўнгги манзилга кетадиган кўринади. Унинг болалари 150 тадан кам эмас ва улар ўз оналарининг умрини кўшнилари, қариндош-уруғ ва бошқа танишбилишлариникида давом эттиришса, ажаб эмас.

СЕМИЗЛАР КЎПАЙГАН МАМЛАКАТ

Австралияда ортиқча вазнли одамлар сони ўтган асрга нисбатан анча кўпаймоқда. Ҳозир семизликдан 60 фоиз аҳоли азият чека бошлади. Шу боис мамлакат шифокорлари қатъий бош кўтариб чиқишди: чипс, гамбургер, газлантирилган турли ичимликлар учун қўшимча солиқ жорий этилиши керакки, истеъмолчилар уни харид қилишда қимматлигидан ўйланиб қолсинлар. Чунки айнан шу озиқ-овқатлар таркибида турли гармонлар мўл-қўл бўлиб, кишини тезликда семиртириб юборади. Австралиялик шифокорлар соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳам таклиф қиритишди: таркибида ҳайвон ёғи кўп бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини чеклаш керак.

Қисқаси, Австралия қандли диабет билан оғрувчилар бўйича рекорд кўрсаткичга «эришди». Бу қувонарли ҳол эмас, деб хабар беради немисларнинг «Гамбургер абендлат» газетаси.

ana shunaqa gaplar

«РЕВИЗОР» КРОССВОРДИ

- ЭНИГА:**
1. Африкадаги дарё.
 7. XIX-XX асрларда яшаган даниялик физик олим.
 9. Маҳсулот берувчи ҳашорат.
 10. Ёқилғи.
 11. Немис кимёгари.
 12. Афсонавий маҳлул.
 14. Оғирлик ўлчови.
 17. Кимёвий суюқлик.
 20. Буюк ҳинд ёзувчиси.
 22. Ёзнинг энг иссиқ мавсуми.
 23. Қазилма бойлик.
 24. Биринчи рус академиги.
 25. Сувни хуш кўрадиган бошоқли экин.
 26. Турнирдаги ҳисоб.
 27. Газлама тури.
 28. Болгариядаги шаҳар.
 31. Бухоро вилоятидаги янги шаҳар.
 33. Ҳамид Олимжон драмаси.
 36. Спорт анжومي.
 37. Ҳиндистондаги дарё.
 39. Гоголь комедияси.
 40. Мотоциклъ маркаси.
 41. Баҳорги мева.

1	2	3	4	5	6	7	8
		9					
10					11		
		12		13			
14	15	16			17	18	19
			20		21		
22						23	
		24					
25						26	
			27				
28	29	30			31	32	
		33	34	35			
36					37		38
		39					
40							41

- БЎЙИГА:**
1. Нашвати.
 2. Математик жумла.
 3. Сабзавот.
 4. Ширинлик.
 5. Бирнинг улушини англашувчи сон.
 6. Чорва озукаси.
 7. Ҳинд бадийий фильми.
 8. II гуруҳдаги кимёвий элемент.
 13. Жанубий Америкадаги давлат.
 15. «Штурман эсдаликлари» китобининг муаллифи.
 16. Бир ва ноллар билан ифодаланган сон.
 18. Уйғун драмаси.
 19. Математик амал белгиси.
 20. Озиқ-овқат масаллиги.
 21. Француз педагоги.
 29. Дуродгорчилик асбоби.
 30. Қовун нави.
 31. Абхазиядаги курорт шаҳар.
 32. Россия футбол жамоаси.
 34. Фарғона вилоятидаги туман.
 35. Поэзия.
 36. Бўри зоти.
 38. Бир неча киши имзолаган ҳужжат.
- Тузувчи: Турсунали **ҒАНИЕВ**, Фарғона вилояти, Бувайда тумани

Ma'rifat

ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОВЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОВЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТҶИМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-128.
Тиражи 19595. 1 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Зухра БОБОХУЖАЕВА.
Навбатчи:
Шерзод АҲМАТОВ.

«Ma'rifat»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоиси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топширин вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.